


Ўзбекистон — келажаги буюк давлат



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНГ ГАЗЕТАСИ

5 АПРЕЛЬ
№ 74-75
(1591-1592)
ШАНБА
1997 йил

АДЛОМИШЛАР ЎТГАН БУ ЭЛДА



13-БЕТ

«ТОМЧИДА ДЕНГИЗ КЎРИНАДИ»



12-БЕТ



7-БЕТ



4-БЕТ

3-БЕТ

«ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАН ОДАМЛАР»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда рўй берастган туб демократик ўзгаришлар ҳаётимизга ўзгача бир жўшқинлик башх этмоқда. Воқеалар ривожи шу даражада жадал кечмоқдаки, кечагина янгилик деб қабул қилинган мезонлар бугунга келиб замон талабларига жавоб берса олмай қолаяпти. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида чукур ислоҳотларни амалга оширишга киришилганлиги ва бу борада янгича, ўзимизгагина хос йўллар кашф этилаётганлиги боиси ҳам шунда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ҳар бир учрашувда сўзлаган нутқи ва мустақилликни мустаҳкамлашнинг тури муммомлари юзасидан қилган маърузаларида айни ана шу гоя алоҳида ажralиб туриши бешиз эмас. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида ҳозирги босқичдаги демократик ислоҳотларни чукурлаштиришнинг муҳим йўналишларига тўхталиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилиншини таъминлаш, фуқаролар сийёсий фаолигини ошириш, жамиятни янада демократлаштириш шароитида «тўртинчи ҳокимият» бўлмиш оммавий ахборот воситалярни ривожлантириш, қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш, суд ислоҳотини чукурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш, ижроя ҳокимиятини ислоҳ қилиш, фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни тубдан яхшилаш сингари муаммолар хусусида дастурий гояларни илгари сурған эди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Кенгаши қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис VI сессиясидаги нутқидан ва Олий Мажлиснинг ушбу масала юзасидан қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга оширишга доир тадбирлар ишлаб чиқилиб, бу вазифалар баҳарилишини ташкил этиш бўйича Э. Халилов раислигига республика комиссияси тузилган эди. Вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ва етакчи мутахассисларидан иборат таркибдаги ушбу комиссия ҳамда маҳсус ишчи гуруҳлари белгиланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан иш бошлаб юборганига ҳам олти ойдан ошиди. (Давоми 2-бетда).

**КИНОАНЖУМАНГА
ТАЙЁРГАРЛИК ҚАНДАЙ
БОРМОҚДА?**

4 апрель куни ўн иккинчи Тошкент халқаро кинофестивалинг ўтказиши ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилий қўмита аъзолари, тегиши вазирлик, идора ва ижодий уюшмаларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мажлиси республика Боз вазирининг ўринbosari, мазкур ташкилий қўмита раисининг ўринbosari A. Азизхўяев бошқарди.

Мажлиси мазкур халқаро кинофестивалга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди. «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси, Тошкент халқаро кинофестивалини бош директори T. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринbosari Ш. Жалилов, ташкилий қўмита ишларининг биринчи ўринbosari У. Исмоилов, Самарқанд вилоят ҳокимининг ўринbosari I. Рашидовнинг шу ҳақдаги ахборотлари тингланди.

Мажлиси мазкур халқаро кинофестивалга тайёргарлик ишларининг бориши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Таниқли адаб Чингиз Айтматов халқаро кинофестиваль ҳайтатига раҳбарлик қиласидан бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахтдаги фестивал фильмлари намойиш этиладиган кинотеатрлар биносини таъмираш ва ободонлаштириши ишларини бажаришга кириши. Самарқандада ҳам бу тадбирга қизгин тайёргарлик қўримоқда.

Мазкур халқаро кинофестивалнинг асосий мақсади, деб таъкидланни мажлиси, ўзбек киносанъатини дунёга танитиш, ҳалқимизни жаҳон киноусталари яратган дурдона асралар билан таниширишдан иборатидар. Шундай экан, фестиваль ўтказилидаган жойларни зарур анжомлар, асбоб-ускуналар билан таъминлашга ўтиборни янада кучайтириш зарур. Бу борада мутасадди ташкилот, идора ва уюшмалар раҳбарларига тегиши топширилар берилди.

Мажлиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов қатнашди.

**«АЁЛ ВА
САЛОМАТЛИК»**

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни бекиёсdir. Шунинг учун ҳам аёлларнинг барча жабҳаларда самарали меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароритларни яратиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва саломатлигини мустаҳкамлашга алоҳида ўтибор берилмоқда. Зоро, аёли соглом жамиятда соглом авлод вояга етади. Самарқанд вилоят ҳокимлигига «Аёл ва саломатлик» мавзууда ўтказилган семинарда ана шу ҳақда гап борди.

Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси, Боз вазир ўринbosari D. Гуломова анжуманда сўзга чиқиб, хотин-қизлар билан ишлаш шўбабарининг фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишлари самарадорлигини ошириш масалаларига тұхтади.

Анжуманда вилоят ҳокими A. Мардиев қатнашди.

(ЎЗА)

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида Комиссия ишчи гурухининг навбатдаги ийғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси адлия вазири С. Мирсафоев бошқарган ушбу ийғилишда суд ислоҳотини чукурлаштириш, одил судлов тизимини демократлаштириш борасида белгиланган тадбирлар бажаришининг бориши кўриб чиқилди.

Ийғилишда республикада демократик ўзгаришларни жадаллаштириш, фуқароларда судга аввало уларнинг ҳуқуқлари ва қонунинг мағфаатларини ҳимоя қиласидан олиб қарорларни ишлаб чиқиб, ҳамда қонунларни қўллаш жараённида вужудга келаётган муаммоларни кўриб чиқиб, уларга ўзгаришларни кўшишмалар киритиш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон судьялар уюшмаси, адвокатлар уюшмаси уставларининг, судьялар одоби қоидаларини ҳойиҳалари ишлаб чиқилди.

Судьялар ва адвокатларнинг республика сеъзларини ўтказиш юзасидан тайёргарлик ишларни оширилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Утган давр ичидаги демократик ислоҳотларнинг, шунингдек, суд ислоҳотининг қўллашмалаш, судьяларнинг ижтимоий ҳиҳатдан ҳимоя этилиши кафолатларини ошириш, суддарнинг маддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоралари кўримоқда.

Айни кунда юридик таълимни ислоҳ қилиш, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органларни кадарларининг, судьяларнинг маъласини ошириш ва қайта тайёрлаш масалалари юзасидан ҳам тақлифлар ишлаб чиқилмоқда.

Ийғилиш аҳли суд ислоҳоти кўлларини кенгайтириш, ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини ошириш, қабул қилинган қонунларни амалга оширишнинг, уларни республиканинг ҳар бир фуқароси ўтиборига етказиш ва қонунларга оғишмай риоя эти

тоифадаги ишлар бўйича судьяларни ихтисослаштириш билан боғлиқ масалалар атрофлича ўрганилмоқда.

Суд қарорларини ижро этиш тўғрисидаги, Суд ижроқисининг мақоми тўғрисидаги қонунларнинг лойиҳалари устидаги қизгин ишлаб чиқилди. Давримиз тақозо этаётган янги қонунлар ва кодексларни ишлаб чиқиши билан бир қаторда амалдаги қонунларни қўллаш жараённида вужудга келаётган муаммоларни кўриб чиқиб, уларга ўзгаришларни кўшишмалар киритиш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Суддарнинг таркибига маъмурий ишлар бўйича судьяларни киритиш масаласи юзасидан тегиши давлат органларига тақлифлар киритилди, солиқ, тарнспорт судларини ташкил этиш ҳамда шу

лишини таъминлашнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш зарурлигига ўтиборни алоҳида қарорди, ҳанузга қадар маъмурӣ ишлар бўйича судьялар йўқ эканлигини, судьяларни ижтимоий ҳиҳатдан ҳимоялаш талаб даражасида эмаслигини ва бошқа камчиликларни қайд этиб ўтди.

Ишчи гурухининг аъзолари ўтган давр ичидаги анчагина ишлар қилингандигини таъкидлаш билан бир қаторда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш юзасидан белгиланган тадбирларни амалга ошириши янада кучайтириш зарур деган яқид фикри билдирилар.

Ийғилишда Олий суд раиси У. Мингбоев, Олий ҳўжалик суди раиси М. Абдусаломов, Олий Мажлис Конунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н. Исмоилов, бир қанча вазирларни ҳамда идораларнинг, ҳуқуқни муҳафаза қилиш органларининг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

МАСЛАҲАТ ЙИГИНИ

Мустақиллик -- юртбошимиз таъбири билан айтганда -- ўзбек ҳалқининг тарихий ютуғидир. У бизга ўзлигимизни, тарихимизни, қадриятларимизни қайтириб берди, неча асрлар давомида эгик бошимиз тикланиб, қаддимиз ростланди. Шунинг учун ҳам мустақиллик байрами ўзбек ҳалқининг энг муқаддас байрами ҳисобланади.

Бу муқаддас кунни муносиб нишонлаш учун тайёргарликни ҳозирдан бошлаш керак. Чунки улкан тўйнинг тайёргарлиги ҳам улкан бўлади. Ёзувчилар, бастакорлар уюшмалари, Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академия, «Ўзбекнаво» вакиллари ана шу масалаларга алоҳида ўтибор қаратилган.

Мустақиллик байрами -- ранг-баранг бўёқларга бой, ҳақиқий томошабоп, бадиий жиҳатдан юксак бўлишидан ташқари, истиқол туфайли эришилган ютуқларни намойиш этиши, истиқоллнинг моҳиятини тўла очиб бериши, ҳақиқий мустақиллик нима эканини ҳар бир фуқаро, хусусан ёш авлод калби, шуурига сингиб кетишига хизмат қилиши лозим.

Ийғилишда ижодкорлардан А. Орипов, Шукрулло, О. Ҳожиева, И. Раҳим, О. Ёқубов, Мирмуҳсин, Х. Тўхтабоев, Э. Самандаров, Ҳ. Раҳимов, М. Мирзаев, А. Мансуров, маданият ишлари вазири Ҳ. Жўраев, «Ўзбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси бош директори А. Назаров ва бошқалар истиқолимизга багишиланган энг яхши шеър ва қўшиқлар, рақслар, мусиқа ва тасвирий санъат асарлари яратиш ижодкорлар олдида турган долзар вазифа эканини тъкиладилар.

Ижодий жамоатчиликнинг маслаҳат йигинида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов сўзга чиқди. (ЎЗА).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

ҚОНУНЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Маълумки, Биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining саккизинчи сессияси кун тартиби «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам киритилган. Мухбirimiz Олий Мажлис Конунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси Нурилдин ИСМОИЛОВ билан ана шу ҳақда сұхбатлашди.

-- Агар адашмасам, айни пайтда қонун ҳуқуқлари Олий Кенгаш раёсати томонидан 1991 йил 10 октябрда тасдиқланган қоидада тайёрланмоқда. Модомики, шундай экан...

Янги қонунга қандай эҳтиёж туғилди, демоқисиз-да. Дарҳақиқат, қонун ҳуқкотларини тайёрлаш, муҳокама қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш ана шу қоидага мувофиқ амалга оширилмоқда. Лекин энди давр ҳам, одамлар ҳам ўзгарди. Ҳозирги парламент аввалингдан тубдан фарқ киласиди. Қонунлар устидаги ишларнинг янги механизми шаклланыпти. Президентимиз Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида таъкидлаганларидек, эндиликда қонунчилик фаолиятини янада такомиллаштириш зарурати пайдо бўлди. Шундай экан, «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини давр тақозоси сифатида баҳоламоқ керак.

-- Маълумки, Ўзбекистон Республикаси

Конституциясига мувофиқ Олий Мажлисда Президент, Олий Мажлис депутатлари, Вазирлар Махкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди ва Баш прокурор қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир. Янги қонун лойиҳасида ана шу масалаларга қандай ўтибор қаратилган?

-- Мазкур қонун лойиҳасини яратишдан мақсад ҳам аслида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг ҳуқук ва ваколатларини мустаҳкамлаш ҳамда ойдинлаштиришдан иборат. Шу боис қонун лойиҳасининг иккинчи бўлим, 7, 8, 9, 10, 11 ва 21 - моддаларида ана шу масалаларга алоҳида ўтибор қаратилди.

Сир эмас, баъзан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган ташкилотлар ҳам ташабbus билан чиқмоқдалар. Бу эса табиики, парламент фаолиятини бирор чигалаштиради. Шу боис мавжуд қоидани қонун даражасига кўтариш лозим дейилган хуносага келинди.

-- Тасодифан ана шундай хуносага келинди... -- Ўқ. Олий Мажлиснинг 1996-99 йилларга мўлжалланган дастури бор. Унда 1997 йилнинг биринчи чорагида ана шундай қонун лойиҳасини тайёрлаш режалаштирилган эди.

Айни пайтда асосан ана шу режага мувофиқ иш олиб бўрилмоқда.

Конон лойиҳаси беш бўлим, 23 моддадан иборат. У қонунчилик механизмини тартибга солади ва унинг фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қиласиди, деб умид қиласиди.

«Халқ сўзи» мухбири
И. ХУДОЁРОВ сұхбатлашди.

ГИЁХВАНДЛИК -- АСР ИЛЛАТИ

Жанубий Америка мамлакатларида бир неча йирик наркобизнесчи гурухларни фош этишган.

Салкам икки ҳафта мобайнида АҚШлик етакчи мутахассислар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан гиёхвандлик моддаларига қарши курашни ташкилдаштириш мавзусида семинар-машгулот ўткалини.

Маълумки, АҚШ Адлия вазирлигининг ушбу бошқармаси гиёхвандлик ва унинг ноқонуний савдосига қарши курашда жаҳондаги юздан ортиқ давлат мутахассислари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган. Улар

таҳлилини вазият ҳақида атрофлича маълумот бердилар. Жумладан, унда аэропорт, поезд ва бошқа транспортларни текшириш усуллари, яширин лабораториялар, жинонг битимларни фош этиш ўйлари хусусида кўргазмали дарслар ва амалий машгулолар ўтказилди. Мунозара тарзида ўтказилган ушбу дастур сўнгидаги унинг иштирокчилари АҚШлик ҳамкаслар билан ўзаро фикр алмадилар.

Анжуманда АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стэнли Эскудеро қатнашди.

Холмурод АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУХБИР БОНГ УРАДИ

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида хизмат кўрсатиш шохобчалари икки баробар ортди. Бироқ иш ўринлари сони 10 мингтага кискареди. Нега?

НА СОХИБИ, БОР МИЖОЗИ

Бундан 3-4 йил муқаддам вилоят аҳолига майший хизмат кўрсатиш тармоғида 1,5 мингдан зиёд шохобча мавжуд эди. Ҳозир 3 мингдан ортиб кетди. Бироқ уларнинг саноқлиси фаолият юритаётчи, холос. Эшигига отнинг калласидай куллар урилган «хизмат ўчоклари»ни кўриб, одамлар ҳайрон.

Ҳўш, ўзи нима гап? Ёки вилоятда бундай хизматга эҳтиёж колмадими?

Масалан, Гурлан туманида майший хизмат нуқталаши сони ўтган йиллар мобайнида қарийб 2,5 баробар кўпайиб, 380 тага етди. Лекин майший хизмат уюшмасига аъзо бўлганлари 50-60 та, холос. Қолганлари корхоналар, хўжаликлар, ташкилот ва муассасалар қошида фаолият кўрсатадиган боис тушумлари туман фазнаси юзини кўрмаяпти.

Лекин соҳанинг оғир ахволга тушиб қолишининг асосий сабаби бошқа ёқда. 1993-94 йилларда хусусийлаштириш номига ва палапартиш ўтказилди. Вазирлар Мажкамасининг тегишли қарорини «Нимаики қилиб бўлса ҳам бажариш»га зўр берилди. Оқибатда кўпгина данғиллама иморату ишлаб чиқариш воситалари дуч келган ташкилот ва одамларга инъом килиб юборилаверди. Улар орасида текин ёки сув текин берилганлари қанча. Шундай ҳоллар ҳам бўлдик, майший хизмат

шохобчалари жойлашган бино бирорга, унинг ичидаги жиҳоз ва ускуналар эса бошқа бирорга «ҳадя» этилди.

-- Шу каби бош-бошдоқлик оқибатида қарийб 4 йил ишсиз қолдик, -- дейди «Орзу» хусусий корхонаси раҳбари, урганчик тадбиркор Машариф Отажонов. -- Авваллари бутун воҳага донғи кетган «Мехриён» майший хизмат ательееси эса ўзаро низолар, фисқуфасод маконига айланди. 40 дан зиёд тикувчи ва бичувчилар аро йўлда қолди. Айрим ҳомиладор аёллар «суюнчи пули» у ёқда турсин, ҳатто қонуний нафақаларидан ҳам бебаҳра қолишиди. Энг ёмони, шу атрофда истиқомат қилувчи минглаб аҳолига хизмат кўрсатиш йўқка чиқарилди.

-- Оиласиз аъзоларидан ҳеч ким бу соҳа эгаси эмас. Бунга хоҳишимиз ҳам йўқ, -- очигини айтиб қўя қолди Янгиарик тумани марказида бир йўла иккита шохобчани хусусийлаштириб олган М. Сайдов. -- Мулк эгаси хисобланган ўғилларим асли — қурувчи. Ҳозир эса — тижоратчи. Ризқимизни савдо-сотиқдан тераяпмиз. Қарамомиздаги 2 та майший хизмат шохобчасини 1993 йили аввалги пулга хисоблагандаги салкам 500 минг сўмга сотиб олганмиз. Ҳуллас, билмаган ишимизга уннамадик. Энди

кун ишлатилмаган. Бу нарса унинг соҳибини заррачаям кизиқти́рмайди. Ҳозир унинг ҳаёли элга ҳалол хизмат килиш эмас, бир пайтлар арзимаган пулга сотиб олган иншоотни бир неча баробар ортиғига пуллаш ташвиши билан банд.

Урганч шаҳрини қоқ иккига бўлиб оқувчи Шовот каналинг чап соҳида яшовчи 30 мингдан зиёд кишига 5-6 йил муқаддам бор-йўғи битта ҳаммом хизмат кўрсатарди. Энди бўлса у ҳам йўқ. Бино хусусийлаштирилган ҳамону унинг эгаси -- Тошкентдаги «Тимарк» фирмаси мутасаддици ғойиб бўлди. Мана уч йилдирки, қорасини кўрсатмаяпти. Излашдан наф йўқ, барибир топилмайди. Ўша пайтларда заҳдан нурай бошлаган бино қаровсизликдан бутунлай ноҷор аҳволга тушиб қолди. «Ўзбекистон» кўчасидаги сартарошона эгалигини 1993 йили кўлга киритган Д. Дурдиев ҳам бирон кун аҳолига хизмат кўрсатмади. Яқинда ҳокимлик аралашуви билан бошқа бир одамга олиб берилди. Ниҳоят, уч йиллик танаффусдан сўнг сартарошона яна ишлай бошлади.

Элга хизмат киламан, деб қоп-қоп ваъдалар берган «ҳожатбарорлар» орасида гурланник Самандар Ражабов ва Рустам Хайтбоев ҳам бор.



ТАДБИРКОРИК

ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛАДИГАН ОДАМАЛAR

Диведент чиқди. Жамоа кенгашиб, девидентнинг ўтгиз физиони корхона технологиясини ривожлантиришга сарфлайдиган бўлди. Чунки маош ҳамсоялардан кам эмас—икки минг сўмдан ошади. Энг мухими, ойлик тарқатища кечикиш йўқ. Омбор эса доим бўш туради—маҳсулот ҳамиша кўлма-кўл.

Гапнинг тўғриси, бизнинг қулоқларимиз бундай маълумотларни эштишига ўрганмаган. Чунки қаерга борсанг, таъминотнинг тақчилитидан, электрнинг қим-

матлигидан, солиқчиларнинг шафқатсизлигидан, ҳаридорларнинг ваддабозлигидан нолищади.

Бу срда эса... бундай гапларни эшитмайсиз.

Тартиб шундай: сизга мебель керакми? Марҳамат! Ҳаридорга барча намуналар кўрсатилади. Ҳатто мебель матосининг рангларигача келишиб олинади. Сўнг ўтириб шартнома имзолашади. Бу ҳужжатнинг шундай банди бор: ҳаридор тайинланган миқдордаги пулни корхона ҳисобига туширгандан сўнг бир ҳафта ўтиб, ом-

Улар «мутасаддилик» қилаётган кир ювиш ва кимёвий тозалаш цехларини кўрсангиз юрагингиз орқага тортиб кетади. Шундок ҳам ярим ҳаробага айланган бино атрофини турли хил чиқиндилар, қамишу юлғунлар босиб кетган. Туман майший хизмат уюшмаси раҳбарининг таъкидлашича, бу «кулинг ўргисин» бинолар эгаларни ҳам излаш бефойда экан. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси ходими-нинг айтишича, ҳар икки шохобча эшигига қулф урланига 2-3 йилдан ошиби.

Ҳозир вилоятнинг кўпгина туманларида кийим-кечакларни кимёвий тозалаш, кир ювиш цехлари мутлақо ишламаяпти. Соатсозлик, сураткашлик, телерадио устахона-ларининг фаолияти ниҳоятда суст. 30 минг аҳоли яшайдган Дўстлик шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда эса аҳвол бундан ҳам баттар: хусусийлаштирилган майший хизмат нуқталарининг 24 таси фаолиятини тұттатган. Мижозлар эса сарсон. На эгасига, на мижозларга, на газнага нафи тегаётган, номи бору нишони йўқ бундай «хусусий корхоналар»ни барча туманларда учратиш мумкин.

Ушбу соҳага бевосита мутасадди бўлған вилоят майший хизмат кўрсатиш уюшмаси маълумотларига кўра, ҳозир жами 100 дан зиёд шохобча (улар орасида йирик майший хизмат кўрсатиш йилари, мажмуалари ҳам бор) ишламаяпти. Кўпгина шаҳар ва туманлардаги шохобчалар мавжуд имкониятларининг бор-йўғи 20-50 фойзидан фойдаланяпти, холос.

Ҳуллас, шунақа гаплар.

Юзага келган вазиятни ўнглаш ҳақида катта-катта ийғинларда соатлаб ваъз килинайти-ю, амалий ишдан дарак йўқ. Соҳа мутасаддилари эса мавжуд маълумотларни қайд этишдан нарига ўтишолмаяпти. Назаримда, бу иш билан тегишли вазирлик жиҳдий шугулланмаса, бирон бир ўзгариш бўлиши амри маҳол.

Абдулла СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

турли хиллари ишлаб чиқарилмоқда.
Р. НУРИДДИНОВ (ЎзЛ)
тасвирига олган.

бордан буюртмасини олиб кетади. Агар буюртма шошилинч бўлса, мухлатни қисқартириш мумкин. Бу ишлаб чиқаришдаги мутлақо янги, замонавий тартибидир. Вақт -- пул, дегани. Ишингиз шошилинч бўлса, пулни шошилинч туширинг.

Умуман олганда, Қарши Қодиров қўли билан берип, оёғи билан югуришини ёмон кўради. Чунки илгарилари насиияга мол берип, кўп кўйган. Бир неча йилки, ҳалигидай тартибни жорий этди. Усталарини ҳам, буюртмачи-ҳаридорларни ҳам шу қоидага ўргатган.

Ҳа, ишлашни ҳамма ҳам билиди, аммо жуда кам одамларни унинг ... кўзини билишади.

Мен Қарши ака билан гаплашаштиб, ён дафтариға бундай деб ёдим: «Ишнинг ўзини биладиганларнинг товони қаваради, кўзини биладиганларнинг эса пул санашдан... қўли қаваради!»

Тожиддин РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ
сўзи

5
апрель

УЗУМДАН... ЁФ ОЛИММОҚДА



Ёшларнинг «Камолот» жамғармаси Булунғур туман бўлими қошида ташкил этилган кичик корхонада узум данагидан ёф олиш йўлга кўйилди.

Маълум бўлишича, узум данагидан олинган ёф тўйимлилик даражаси юқорилигидан ташқари, шифобаҳш хусусиятларга ҳам эга экан. Шундан сўнг ёф олиш технологияси мукаммалаштирилди ва ушбу янги маҳсулотнинг дастлабки бир юз эллик килограмми ишлаб чиқарилди.

СТИПЕНДИЯ МИҚДОРИ -- 4200 МАРКА

Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлимига яқинда Германиядаги «Александр фон Гумбальд» фонди вакиллари ташриф буоришиди. Делегацияга фонд раиси доктор Манfred Остин раҳбарлик қилди. Ушбу фонд жаҳоннинг турли мамлакатларида олиб бораётган илмий тадқиқотларни қўллаб-куватловчи йирик ташкилотлардан бири хисобланади.

Фонд вакилларининг самарқандлик олимлар билан ўтказган учрашувларидан асосий мақсад уларни дунё миқёсидаги энг йирик муммолар бўйича тадқиқотлар олиб боришга жалб этиш эди. Агар самарқандлик олимлар конкурсда иштирок этиб, унинг шартнига тўлиқ жавоб берсалар, ҳар бир тадқиқотчига фонд томонидан ойига 4200 марка миқдорида стипендия белгиланадиган бўлди. Бундан ташқари, ушбу танлов ғолиблари бир йил давомида Германиянинг энг катта илмий марказларида ишлаш ва нуфузли ҳалқаро анжуманларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

М. МУҚИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

5
апрель

4

Околтин туманинаги «Бегмат» дехкон-фермер хўжалигининг сўнгги йилдаги даромади 5.900.000 сўмга етибди. Хўжалика Бегмат ота Жойноқов исми мўйсафид раҳбарлик қилади. Яқинда вилоят ишбilar-



МИРЗАЧЎЛ ФАЙЛАСУФИ

**монлари ва тадбиркорларининг «Ташаббус» кўрик-тандо-
вига ота 6 миллион сўмлик узок муддатли, имтиёзли
кредит ва қулинг ўргилсин рангли телевизор билан
такдирланди. Шунда ота кўрик-тандов раҳбарларидан би-
рини четта торти: «Болам, мана бу «ойнаи жаҳон» учун
кўп раҳмат. Лекин қарз пулларингни бошка фермерга бер-
саларинг бўларди. Мен пулга унчалик муҳтоҳ эмасман»,
деди. Раҳбар аввал тушунмай, қош чимирди. Кейин хоҳо-
лаб кулиб юборди. «Гирт содда одам экансиз. Бундай
имкониятдан факат содда ва гўл одамларгина юз ўгира-
ди», деди.**

Мен ота билан икки кун 179 гектар майдондаги пахтазор ва галлазорни, 80 бош қорамол, 40 бош кўй-кўзи, бир неча ота ва тойлар парваришланётган фермани айланни, унинг содда ва гўл одам эмаслигига ишонч ҳосил килдим. Ҳамроҳим ҳар бир гапни салмоқлаб, пишишиб гапира-ди.

-- Асли, Форишнинг Гараша қишлоғиданмиз. Ўспиринлигим уруш ўйларига тўғри келди. Беш йил чўпон ва подачилик қилгани-ман. Йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган дамлар эди. Қаҳратон қишида, оёққа иладиган битта битта қирқ ямок маҳсум бўлганлиги учун ети-саккиз ой тогу тошни яланг оёқ кезганиман. Қаранг, мени на илон чақди, на оёғимни тош кесди. Аммо ферма мудиридан бўридан кўр-қандек қўрқардим. Кўзига кўриндим дегунча, қамчи билан аямай саваларди. Бир бурда нону бир коса ёвғон илинжидаги чидадим. Кўпинча қўра ённаги тошида устида ёки пичан гарами орасида ухлаб қолардим. Ана шу изгирини кунларда дилимга битта ниятни туғиб олгандим! «Агар ўлмай, катта бўлсан, уйлансан, Ҳудо мента фарзанд берса, бир умр уларнинг бошини силайман! Насибамиз Мирзачўлга сочилган экан. Аввал Бойёутда, кейинчалик мана шу ерларда роса 35 йил гўзага сув тарадим, трактор ҳайдадим, бригадирлик қилдим. «Хизмат кўрсатган пахтакор» деган унвонни бўлдим.

Шукур, Яратган беш ўғил, беш қиз берди. Ҳаммаси уйлижойли. Энди гапнинг буромадига ўтамиз, Эркимиз қўлимизга ўтгач, фермерлик деган гаплар пайдо бўлди. Юртбошининг қадам олиши, сўзининг мағзига қараб туриб унинг мўлжалари ниншонга тегишини аниқ билдим. Фақат ўйилларим менинг ишидан хафа бўлгандаи кўринди. «Ота, энам икковларинг даладаги капада ётиб мол бўқканларингга уяляпмиз. Сизга нима етмаяпти? Бешала ўғлингиз ҳам топиши, тутиши бўлсан», деб қолди. «Улларим, чамбаракдаги қаймоқни олиш учун оёқнинг тагига нон эмас, нарвон қўйиш керак», деб жавоб бердим.

Шу десангиз, бригадамиз бикинидаги зовурдан ўйилган капада Норбойнинг онаси билан биринчи қор ёққунча пойлоқчилик қилдим. Пода, кўй-кўзи, йилқиларимиз ўша йиллари яхши

насл берди. Бунча молни қишлоқда боқиши қийин эди-да! Кейин совхознинг фермасидан беш-олтига бузоқ ва гунахин сотиб олдик. Ўша йили ёқ қарзимиздан кутулдик. Раҳбарлар дехқончилик учун ер ферма учун бино ажратиб берди. Чўлда нима кўп-қамиш кўп. Лекин биз белимишни қамиш билан эмас, белбог билан сириб боғладик.

Фермер бўламан, ҳар куни қаймоқни бармоқ лайламан деганлар сон-мингта. Бу ишни хузур-ҳаловатдан кечган, нонига қум кўшиб ейдиган одамларгина уддайлайди. Ахир, қамишни маҳкам ушламасангиз бармоқларингизни кесиб юборди. Ана, қолганини ўзингиз тушуниб олаверинг. Мамасодиқ исмили қиз боладек ройишни ўелим бор. Уч-тўртга қариндошурум билан ана шу ўртантам ферманига яқинига кўчиб борган.

Бирга ишлётган одамларга раҳмат! Бегмат чол бой бўлиб кетди, ана ундей, мана бундай, деган гапларга парво қилмай, фермерликнинг оғир тошига елка тираб келишашти. Мен кўпам уларнинг ишига аралашавермайман. Унинг ўрнига бирга ишлётганларнинг фарзандларига разм соламан. Қани, қай бирига нима кийим керак? Қай бирининг оғизда сутқатиқнинг юқи кўринмайди. Мен мана шу юмушлар билан бандман. Қозонида гўшт қайнаган, эгни-боши бут, киссасида пули бор одамларга худа-бехуда бўйруқ беравериш, катталик қилавериш дам смаган паловни бузиш билан бравардир. Элнинг оғзига элак тутиб бўлмайди. Мактабга, bogchaga yu-ib olib bersem, xisobiga pul utkazsam, baxzilarni, «Begmat», бунақада ўзингта ҳеч вақо қолмайди. Ҳайрниң ҳам чегараси бор», дейишади. «Маъқул», дейман-у, ичимдан зил кетаман. Кўр ё кар эмасман. Қоп-қоп pul topaётган, давлат ортириётган айримлар йўлида дуч келган гадога ҳам бир сўм ҳайрия қилмайди.

Ана шунда мен беихтиёр ёқа ушлагим келади. «Сизлар бу молу давлатни нима қилмоқчисизлар? Ахир, унинг барини тобутга солиб, кўтариб кетиб бўлмайди-ку», дегим келади. Ҳасис, назари паст, ўзидан бошқани ўйламайдиган кимсалардан Яратган ҳам бир кун эмас бир кун юз ўтиради...

Бегмат ота бир зум тин олди. Сўнг пёлладан чой хўплади. Отанинг гапини бўлиш, ўринли ўриниз саволлар беришдан ўзимни тийиб, мен ҳам жимгина ўтира-вердим.

-- Эсингиздами, ўспиринлигимда тош устида, пичан орасида ухлаб ётганимда болаларимга, таниш-билишларимга қўлимдан келгунича яхшилик қиласман, яхши гаплар айтаман, деб ният қилгандим. Чин ўнгилдан йигласанг, сўқир кўздан ёш келур, деган гап бор. Мана бугун ниятларим ушалиб турибди. Баҳти кулган йигитнинг янгаси олдидан чиқар эмиш. Фермерлик ҳам биз учун мисоли бир янга бўлди. Ўзим, назаринизда нуқул ўз дардимни гапирмаямни? Йўқ, дейсизми...

Энди дегн мол-ҳол, ери-миз ўзимизга етарли. Техникамиз ҳам уч-тўрт йилсиз оқсамайди. Боя галлазорни кўрдингиз: худо хоҳласа гектаридан 45-50 центнердан буғдой оламиз. Пахтамиз, смаҳашагимиз ҳам мўл бўлади. Мана шундай кунларга етказганилиги учун яратгандан, юртбошидан бошимиз осмонда. Ўтган йили ҳажга бориб келдим. Аввалги замонда бу менга насиб қиласмиди? Бунга ишонмайман. Шуларни ўйлаб, беш вақт намоз чоғи тилимдан шукронга калималар тушмайди. Ҳали кўрасиз, замонамиз бундан ҳам тўқ, бундан ҳам фаровон бўлиб кетади. Бунинг учун сиз ҳам, мен ҳам, қолганлар ҳам меҳнат дея атамлиш улуг омилнинг этагини кўйиб юбормаслигимиз керак...

Әртаси куни Бегмат ота билан унинг 5 гектарлик боғида бўлдик. 4,5 минг туп ўрик, олма, олхўри, нок ва 300 туп анор барг чиқазиб, гуллаб ётиби. Богни айланиб юриб, «Ота, сизга минг раҳмат! Чорвадан, галлаю пахтадан миллион-миллион сўм даромад олиб, ўзингизни ҳам, яқинларингизни ҳам бокиб ётибис. Мана шу боғдан ҳам бирор юз-икки юз минг сўм фойда оларсиз?» дебман... Ота кулди. Сўнг гапимга жавоб бермай, дарахтлар қачон ўтқазилганди, уни қандай парваришилаш лозимлиги тўғрисида гапира бошлади. Орада отанинг кўзини шамғалат қилиб Мама-юсифга юқоридаги савонни бердим. «Мева-чевадан бир сўм ҳам даромад қилмаймиз. Уни қишлоқдагилар, боғча ва мактаб ўқувчилари га улашиб берамиз», деди. Ота кенжатойининг изоҳини гира-шира эштиди. Эштиди, мени хижолат бўлмасин, деб бу мавзуга бошқа қайтмади.

Минглаб оқ ва пушти кўйлаклар кийганди боғда ота билан хайрлашдик. Унинг иссиқ, чайир, қандайдир меҳр тафти сезилиб турган кўлларига кўлларимни қўяр эканман, бундай одамларнинг қалби ҳам гулга кирган серхосил боғлардай оппоқ, гўзл эканлигини кўнглимдан ўтказиб қўйдим.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбари.

ЯНГИ ДЕҲҚОН БОЗОРИ

Балиқчи туманининг «Сиза» жамоа хўжалигидаги янги дехқон бозори очилди.

Бу ерда ўнлаб тижорат ва воситашилик дўконлари, хусусий устахоналар, савдо расталари аҳолига хизмат қиласми башлади. Эндиликда дехқонлар зарур саноат ва озиқовқат маҳсулотларини шу ернинг ўзида харид қилиш, ўз боғ ва токзорларида етиштирган маҳсулотларини сотиш имкониятига эга бўлди.

ПЛЁНКА ОСТИДА ПАРВАРИШЛАНАДИ

Термиз туманинаги «Халқобод» жамоа хўжалигининг Эшдавлат Эгамбердиев бошлиқ бригадаси пахта далаларида чигит униб чиқди.

Ҳамиша янгиликка интилувчи бригада миришкорлари Наврўз байрами кунлари яхши ният билан плёнка остига пахтанинг «Термиз-31» навли чигитини эккан эди. Ҳозир 10 гектар ердаги чигит бир тикинсиз ундириб олинди. Бу йил Сурхондарё вилоятида 18 минг гектар майдонда пахта плёнка остида парваришланади.

(ЎЗА).

ҲИСОРИ ҚЎЙЛАР

НЕГА КАМАЙМОҚДА?



Бир пайтлар Қашқадарё вилояти ҳудудида уч миллион бошдан зиёд қоракўл қўйлар боқилган. Бухоро қоракўлининг довругини жаҳонга машҳур этган чорвадорлар истиқомат қилгандар. Қоракўл қўйлар Бухорадан олиб кетилиб, Афғонистон, Жанубий Африка Республикаларида парвариш қилинди. Афсуски, кейинги йилларда соҳага ўтибор сусайиб, чорвадор Дехқонобод тумани хўжаликларида, вилоятнинг Faafur Fуломномли, «Ўзбекистон», «Турон», «Чиял» қоракўлчилик жамоа хўжаликларида қўйлар сони асоссиз камайди. Вилоят бўйича айни пайтда бор-йўғи 500 минг боша етар-етмас қоракўл қўйлар парваришланаяпти, холос. Уларининг ҳам анчагина қисмидан маҳсулот олинмаяпти.

Бухоро қоракўл заводи мутасаддилари чорвадорлардан қоракўл териларни арзимаган нархга харид қилаётir. Натижада қоракўлчилик хўжаликлари маҳсулот етиширишдан фойда ўрнига зарар қўришмоқда.

«Қўйлар сонининг камайиб кетиши натижасида гўшт, қоракўл тери, жун етишириш ҳам йил сайин сустлаша-япти.

Бундан 20 йилча муқаддам вилоят хўжаликларида 60 минг бошдан зиёд ҳисори қўйлар бўлган. Аҳоли хонадонларида эса улар сони 100 минг бошдан ҳам кўп бўлган экан. Ҳозир хўжаликлarda бор-йўғи 26 минг бош ҳисори қўй мавжуд, холос.

Қоракўлчиликни, айниқса, ҳисори қўйларни, ангор эчкilarini кўпайтириш учун наслчиллик ишларига ўтибор қаратиш зарур.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбари.

ШАРХЛОВЧИ МИНБАРИ

13 йил олдин Буюк Британиянинг Осиёдаги мустамлакаси Гонконг Хитой Халқ Республикаси тасарруфига ўтиши ҳақидаги хабар тарқалганда кўпчилик уни «ҳазм» қила олмаган эди.

Ҳаққатан ҳам, капиталистик муносабатларнинг устувор йўналиши бозор иқтисодиёти ва инфраструктура гуллаб-яшнаган, минтақада демократия кўргони ҳисобланган Гонконг устидан коммунистларнинг назорат

йўз миллий валютаси — Гонконг долларини, хорижий шерикалари билан савдо-иқтисодий шартномаларини мустакил равишда келишиш ҳукуқини ҳамда Жаҳон савдо ташкилотидаги ўрнини сақлаб қолади. Инглиз тили эса унинг

фаолият кўрсатадиган банк-молия тизимининг нақдар тараққий этанидан дарактир. Валюта захиралари эса аҳоли жон бошига нисбатан тақсимланганда 60 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Бу борада Гонконгнинг дунёда тенгги йўқ. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бир ярим аср илгари Гонконг ўзининг айнан бандаргоҳлари туфайли Англия мустамлакасига айланган эди. Бугун Осиёдаги энг ийрик бандаргоҳларнинг аксарияти шу ерда жойлашган. Бу Хитойнинг нафақат жанубий, балки марказий ва шимолий худудлари ҳам тез суръатлар билан

ГОНКОНГ:

**XXI АСРГА ЯНГИ
МАҚОМ БИЛАН**

қилишини тасаввур этиш қийин эди. Мана, орадан шунча вақт ҳам ўтиб кетди. Шу йилнинг 1 июлида Гонконг расман Хитой таркибиға киради.

Мазкур сана яқинлашган сайнин, Гонконг ва унинг истиқболи сийсатчилар ҳамда жаҳон оммавий ахборот воситалари вакиллари дикқатини ўзига тортаяпти. Чунки Хитой ислоҳотларининг «отаси» мархум Дэн Сяопин илгари сурған «Бир мамлакат -- иккى тузум» гояси илк бор ҳаётга тадбиқ этилади. Чунки бундай тажриба жаҳон тарихида илк бор синалади. Xўш, бундай ким қандай манфаат кўради? Умуман, Гонконгни қандай келажак кутмоқда?

Маълумки, Буюк Британия билан иккى йил давомида ўтказилган қийин ва оғир музокаралардан сўнг, 1984 йил 19 декабрда ХХР Гонконг устидан ўз суверенитетини тиклаш ҳақидаги қўшма декларацияни имзолашга муваффақ бўлган эди. Ушбу декларацияга биноан 1997 йилнинг 1 июлидан бошлаб Гонконг расман Сянган деб аталиб, ХХРнинг алоҳида аҳамиятта эга маъмурӣ худуди мақоми (CAPC) олади. Бу том маънодаги мухторият тушунчаси билан тенгдир. Албатта, катта сиёсатда ҳар бир ютук маълум ён босишилар ёки қандайдир «курбонлик» эвазига эришилади. Хитой ҳам Гонконгга эришиш учун анча шартларга кўнди. Жумладан, Сянган ХХР тасарруфига ўтгандан кейин ҳам

расмий тили бўлиб қолаверади. Бундан ташқари, Сянганда ХХР конституцияси эмас, унинг ўз асосий қонуни, ҳатто, Хитой билан чегарада айни пайтаги қатъий виза назорати ҳам амал қиласи. Қўшма ҳужжатга мувофиқ Сянганда берилган бундай имтиёзлар камиди 50 йил кафолатланади.

Хитой ҳукумати Сянганда капитализм тизимининг сақланиб қолишига рози, энг муҳими, орол аҳолиси хитойликлар ҳисобланниб, мамлакат ҳукуматига содиқ бўлса бас. Қолаверса, бу хитойликлар учун «Буюк Хитой давлати орзуси»нинг амалга ошиши ўтилдаги илк қадам бўлади. Лекин Сянган устидан сиёсий назорат Хитой ҳукумати ихтиёрида бўлади.

Кузатувчиларнинг фикрича, Гонконг ХХР тасарруфига ўтгач, бугун тез суръатлар билан ривожланаётган Хитойнинг умумий иқтисодий кўрсаткичлари янада яхшиланади. Оддий мисол, 6 млн. нуфусга эга бўлган Гонконгда миллий даромад айни пайтда аҳоли жон бошига нисбатан 24 минг АҚШ долларини ташкил этади. Бу эса Хитойнинг энг ривожланган ҳудуди -- Шанхайдаги кўрсаткичдан қарийб ўн иккى маротаба кўпdir. Сўнгти ўн йиллик фаолияти натижасида Гонконг биржаси жаҳондаги қимматбахо қағозлар бозорлари орасида саккизини ўринга чиқиб олди. Дунёдаги 100 та энг ийрик банкнинг 80 дан зиёди бу ерда ўз бўлимига эга. Бундан ташқари, Гонконгда 500 зиёд маъаллий банк

ўсишига ёрдам беради. Айни пайтда Гонконгнинг ХХРга ўтишига тайёргарлик ишлари авжиди. Ажабмаски, бу Хитода сўнгти йилларда ўтказилган байрам ичиди энг каттаси бўлса. Лекин Гонконгликларнинг бўлажак тадбиркорлар таваккалчиликни четта суруб, ўз хусусий фирмаларини чет элларда рўйхатдан ўтказишмоқда. Беш юз минг нафар киши эса ҳар эҳтимолга қарши чеълдига ёзасида олиб қўйишиди. Лекин шу билан бир қаторда мустамлака аҳолиси орасида Гонконгнинг ХХРга кўшиливидан манфаатдорлари ҳам оз эмас. Ҳозирданоқ Гонконгдаги такси ҳайдовчилардан тортиб, тадбиркорлар, банк ҳўжайнлари ва киборлар жамияти вакиллари гача Хитой тилининг Пекин лаҳжасини ўрганишга киришаёт.

Хуллас, вақт -- энг олий ҳакам. Гонконг истиқболи ҳақида таҳминлар килингани билан унинг қайси ўйдан боришини вақт кўрсатади. Энг асосийси, ҳар бир миллат ўз тақдирини ўзи белгилайди. Эҳтимол, жуғрофий жиҳатдан яқин бўлгани учун мазкур қўшилиув Корея ярим оролидаги сиёсий муаммонинг ижобий ҳал бўлишига ҳам ўз таъсирини кўрсатар. Нима бўлганда ҳам, бугунги тараққиёт инсониятнинг буюк муаммоларини бартараф этишда маърифий босқичга кўтарилаётганини кўрсатмоқда.

Сангин ЖАББОРОВ.

**ХОРИЖДАН
ХАБАРЛАР****ТАШҚИ ИШЛАР
ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ**

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентина ҳукумати НАТО билан расман ҳамкорлик алоқаларини ўйлга кўйишга қарор қиласи. Аргентина ташқи ишлар вазири Гидо Ди Телла Америка Қўшма Штатларига ташрифи чоғида АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт билан учрашиб, Аргентина НАТОнинг тинчликини таъминлаш бўйича халқаро тадбирларида кенг иштирок этишини режалаштираётганини айтди.

**Халқ
сўзи**

5
апрель



Кореяликлар шундай
кийинишиади.

МУҲОКАМАГА ҚЎЙИЛАДИ

ТОКИО. Япония ҳукумати Окинава оролида Америка мудофаза вазирлигига мажбурон ижарага берилган ерларнинг ижара муддатини узайтириши ҳақидаги қонун лойиҳасини маъкуллайди. Яқин кунлар ичиди мазкур лойиҳа мамлакат парламентининг мұхокамасига қўйилади.

Маълумки, Окинава оролида Америка Қўшма Штатларининг Япониядаги ҳарбий қисмлари ва хизматчиликларининг яримдан кўпин жойлашган. Жорий йилнинг 14 май кунин Пентагонга берилган Окинава ерларининг ижара муддатини узайтиришга қаршилигидан иборат бўлади.

Маълумки, Албания жаңубий вилоятларida халқаро инсонпарварлик ёрдамини тарқатиш ишларida мамлакатда тинчликини таъминлаш халқаро кучлари томонидан амалга оширилаётган тадбирларда иштирок этиши учун маҳсус ҳарбий бўлинма ташкил этилганни маълум қиласи. Ушбу бўлинманинг вазифаси Албаниянинг жаңубий вилоятларida халқаро инсонпарварлик ёрдамини тарқатиш ишларida кимлакатда иборат бўлади.

Маълумки, Албанията жўнатилаётган инсонпарварлик ёрдамидан иборат машиналар карвони мамлакатнинг жаңубий вилоятларida қўзғончилар томонидан бир неча бор таланганди. Мамлакат армияси бунга қарши кураша олмагани туфайли халқаро ҳамжамиятга ёрдам сўраб мурожаат қиласи.

(ЎЗА).

**АЛБАНИЯДАГИ
МОЖАРОЛАР**

ТИРАНА. Албания ҳукумати



Женева кўчаларида.

**БОШ РОЛДА МАДОННА
НИМА?**

Аргентина пойтахти маъмурияти поп-музыка юлдузи Мадонна ҳамда испаниялик машҳур қўшиқчи Хулио Иглесиасни «дунёдаги энг қўлии енгил кишилар» деб эълон қиласи.

Бош ролда Мадонна хоним сурати тушган «Эвита» фильмни ва Хулио Иглесиас қўшиқларидан иборат «Танго» янги диски дунёнинг кўплаб мамлакатларида ишқибозлар томонидан жуда яхши қабул қилинди. Шундан сўнг кино ва мусиқа ихлосмандлари саёҳат учун Буэнос-Айресга оқиб кела бошлиди ва шаҳар ҳизинасини бойитди.

Бош ролни Мадонна хоним ижро этган «Эвита» фильмни ҳам, Хулио Иглесиаснинг «Танго»си ҳам Аргентина пойтахтида суратга олингани сабаб, Буэнос-Айрес жуда яхши реклама қилинганди...

«КГБ»ГА ХИЗМАТ ҚИЛМАГАН

АҚШ федерал қидирив бюроси мархум Президент Жон Кеннедининг қотили саналган Ли Харви Освoldнинг сабиқ «КГБ» билан алоқадор бўлмаганлигини тасдиқламоқда. Маълумки, Освoldга Совет Иттифоқининг агенти, деган айб ҳам қўйилган эди.

Федерал қидирив бюросининг маълум қилишича, Освold Москвада яшаган даврда моддий жиҳатдан жуда ночор аҳволда бўлган. Ҳатто, у 20 долларча пул юборишни сўраб онасига мактуб ҳам ўйллаган. Бу эса унинг шуроларга хизмат қилгани ҳақидаги таҳминлар ҳақиқатдан йироқ эканидан далолат беради.

**БИР МАВЗУДА ИККИ ФИЛЬМ
КАЕРДА?**

Италиялик кинорежиссер Жакомо Баттио машҳур «Спрут» телесериалининг саккизинчи қисми устидаги иш бошлади. Ушбу фильм 1950 йилларда Италиядаги жинонай гуруҳлар ўз фоалиятини қандай ўзгартиргани ва уларга қарши кураш ҳақида ҳикоя қиласи.

Шунингдек, италиялик яна бир режиссер Массимо Спано ҳам мамлакатда «махфия»га қарши кураш тўғрисидаги янги кинофильм устидаги ишламоқда. «Спрут -- 8»дан фарқли ўлароқ, унда асосан бугунги Италия муаммолари акс этади.

Матбуот хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАЧОН?




БИЛДИРУВАЩИЙ

"АЛАН СЕРВИС"
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

"ОЛТОЙ"

T-28,
МТЗ-80



тракторларининг

Манзил: Тошкент ш., Навоий кӯчаси, 40.
Телефонлар: (3712) 42-27-89, 42-29-95.

БАРЧА
ТУРДАГИ
ЭҲТИЁТ
ҚИСМЛАРИНИ
таклиф этади.

Сизнинг
бардам ва
гўзалигининг.

Ҳар куни
капсуласини
қабул қиласиз,
сиз ўз
терингизни
мусаффо қиласиз,
гўзалик ва
майинлик бахш
этасиз.

БЫОТИ
ПЛЮС

Шаҳар
дорихоналаридан
сўранг

ср / ауджанта фарма лимитед

ҚАДАМ БА ҚАДАМ ОМАД САРИ ОҚ ЙЎЛ!



Ўзбекистон-Германия
БИЗНЕСГА ЁРДАМ
МАРКАЗИ



- Атиги 8 кунда молияни бошқариш учун зарур бўлган асосий воситалар билан яқиндан танишишини ҳоҳламасангиз;
- Сиз курсимизда Фикр юритмай, тўғри йўл-йўриқларни қидирмай, фақат лекциялар эшитиб кетмоқчи бўлсангиз;
- Ўз бизнесингизнинг молиявий ҳолатини; молиявий қўрсаткичларнинг пасайиб кетиш сабабларини аниқлашда; бизнесингиз ривожланишини олдиндан кўра билишингизда олган билимларингизни ҳаётга татбиқ этишини ҳоҳламасангиз, сиз

"МОЛИЯВИЙ МЕНЕЖМЕНТ АСОСЛАРИ"

курсига келмасангиз ҳам бўлади.

Машгулотлар 07.04-16.04 гача рус тилида,
14.04-24.04 гача ўзбек тилида олиб
борилади.

Манзилимиз: "Буюк ипак йўли" кӯчаси, 42.
Тел.: (3712) 67-19-14, 68-34-44, факс: 68-34-45.

РЕКЛАМА ВА
ЭЪЛОНЛАР
ТЕЛ./ФАКС:
(3712) 36-09-25

ГЕРМАНИЯДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮҶОРИ СИФАТЛИ ТИББИЁТ ТОВАРЛАРИ ПУЛ
ҮТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ




ШАХСИЙ КИСЛОРОД БАЛЛОНЧАСИ

Уй, ишхона ва шифохона шароитларида, йўлда (қаттиқ чарчаганда, куйб қолганда, астма /кўксов/, гипертония ва бошқа хасталикларда) тез тиббий ёрдам қўрсатиш учун юксак самара берадиган тенги йўқ восита. Қизғин меҳнат, айниқса, кимё, нефть кон-бойитиши, энергетика саноати ходимлари, автомобиль ҳайдовчилари ва темир-йўл транспорти машинистлари соғлиғини тиклаш, чарочки ёзиш, иш фаолиятини ошириш имконини беради.

Афзалликлари:

иҳчам (баллончанинг ҳажми 3-4 та кислород ёстиқчасининг ўринини босади);
бир неча марта кислород билан тўлдириш мумкин;
кафолатли хизмат қўрсатиш назарда тутилган.



РАҶАМЛИ ЭЛЕКТРОН ТЕРМОМЕТР

Афзалликлари:
захарли симоби йўқ;
корпуси пластмассадан, синмайди;
товушли индикатор.

Ўлчанадиган иссиқлик даражаси: 32,0°-43,9°.

Ўлчаша аниқлиги: ±0,1.

Ўлчашга кетадиган вақт, сони: 30-60.

Габарит ўлчами: 0,8x1,8x14.

Вазни, грамм: 11.

Тел.: (3712) 64-15-94, 61-20-67, 61-21-37. Факс: (3712) 64-38-91.

ср / ауджанта фарма лимитед

ТРИДЦАТЬ ПЛЮС

бардам ва тетик
бўлишингиз учун



Шаҳар дорихоналаридан сўранг

"Корн-М" Аудиторлик фирмаси (Ўзбекистон
Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1996 йил
1 августда 151-рақам билан берилган лицензия)
"Бектемир бозори" ОТАЖининг 1996 йил 1 январдан
1996 йил 31 декабригача бўлган фаолиятини текшириб
чиқди.

Таҳлилий ҳисоб-китоб маълумотлари билан синтез
ҳисоб-китоб маълумотлари ўртасида тафовутлар йўқ.

Баланс мижозларнинг ҳисоб рақамларида қолган
қолдиқни ва жамиятнинг 1996 йилдаги фаолиятини
ҳаққоний акс эттиради. 1997 йил 1 январигача фонд
манбаларини йўналтириш ва фойдаланиш қуидагича:

"Бектемир бозори" Очиқ турдаги
акционерлик жамиятининг 1996 йилдаги
БАЛАНСИ

Баланснинг актив қисми	сатр коди	йил бошига	йил охирига
Асосий воситаларнинг қолдик киймати	022	582.9	3180.8
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар	060	-	100.0
1-бўлим бўйича жами	080	582.9	3280.8
Ишлаб чиқариш заҳиралари	100	-	453.7
КБ ва ТЭБларнинг қолдик киймати	122	60.0	2531.2
Туга/ланманган ишлаб чиқариш	130	-	61.8
Товарлар: сотиб олиш баҳосида	162	633.5	960.7
2-бўлим бўйича жами	180	693.5	4007.4
Дебиторлар билан ҳисоб-китоб	200	1586.8	2203.7
Шўъба корхоналар билан	220	3931.9	6951.8
Бюджет билан	230	0.2	30.5
Бошқа дебиторлар билан	250	-	1823.2
Мол етк. ва пурд. берилган аванс	260	-	1000.0
Ҳисоб-китоб счети	290	1519.9	615.1
Бошқа пул маблағлари	310	-	88.1
3-бўлим бўйича жами	330	7038.8	12712.4
БАЛАНС	360	8315.2	20000.6

Баланснинг пассив қисми			
Устав капитали	400	7871.0	10159.6
Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар	450	-	1248.0
Резерв фонди	451	-	398.9
Таксимланмаган фойда	460	-	5147.8
Ҳисобот йилидаги фойда	470	-	15801.3
шундан: ишлатилгани	471	-	10657.7
Ҳисобот йили таксимланмаган			
фойдаси	472	-	5147.8
1-бўлим бўйича жами	480	7871.0	16954.3
Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар	630	273.5	769.0
шундан: ташкилот ичидаги			
Мехнатга ҳак тўлаш бўйича	650	38.3	138.7
Социал-сугурта бўйича	660	-	103.5
Бюджетдан ташкилот тўловлар	690	-	4.2
Бюджет билан	700	3.5	1947.6
Бошқа кредиторлар билан	710	15.4	83.3
3-бўлим бўйича жами	770	444.2	3046.3
БАЛАНС	780	8315.2	20000.6

"Бектемир бозори" акционерлик жамияти акционерлари дикқатига!
Сизларни 1997 йил 15 апрель соат 14:00 да бўладиган акционерлар
йиғилишига таклиф этамиз.
Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Фарғона йўли кӯчаси, Бозор майдони.

5
апрель

8

Гулистан жуда ихчам шаҳар. Унинг бир чеккасида дамланаётган ош пиёздорининг ҳидини шаҳарнинг нариги чеккасидаги сезгир одам дарров пайқаб олади. Бир маслаҳат: мабодо бу ердаги бирор оға-инингиз, танишибилишингиз манзилини ёддан чиқариб қўйсангиз асло қайғурманг.

Шаҳардаги марказий бозор дарвозаси олдида бироз турсангиз ё унинг ўзини ё оила аъзоларидан бирини учратиб қолишингиз турган гап. Гулистанни гулистан қилиб турган нарса мана шу бозор ҳисобланади. Унда одамнинг жонидан бўлак ҳамма нарса бор. Чуст пичоги, Кўқон туфлиси, Чиноз балиғи, Яллама қулупнайи, Арслонбоб олма қоқиси-ю, Баландчақир майизи, Мирзачўл оқ уруғи-ю, Хоразм гурбиси харидор ҳимосига маҳтал туради.

Тонги соат бешдан олтигача темир йўл бекатига Тошкент, Наманган ва Андикон поездлари тўхтаб ўтади. Кулогига райҳон қистирганча жомадон кўтарган, қоп елкалаган кишилар маҳаллага, янги шаҳарга, туман марказларига қараб тарқалиб кетишади.

Бу ерда дарахт кўп. Айниқса, янги шаҳар қисмига кейинги йилларда кўп кўчат ўтқазилди. Бироқ ер ости сувлари яқин бўлганлиги учун шўрининг юқорига кўтарилиши оқибатида ўқ илдизли дарахтлар узоқ яшамайди. Узум, беҳи, анор яхши ҳосил беради. Шаҳарни Жанубий Мирзачўл канали кесиб ўтган. Унинг суви камдан-кам йиллари музлайди. Ёзда шаҳарга ҳамиша салқин нафаслар уфуриб туради.

Шаҳарнинг қоқ марказида ҳар қандай санъаткор ҳавас қилса арзигулик Олим Хўжаев номидаги

Кўрик Сирдарё вилояти маркази -- Гулистан шаҳрининг умумий ер майдони 37 квадрат-километр бўлиб, 70 минг нафар аҳоли истиқомат қиласи.

мусиқали ва драма театри бор. Бу кошона ўзининг маҳобати, ички безаклари билангина машхур бўлиб қолмай, иқтидорли ва бутун Ўзбекистон тан олган ижодкорлари билан ҳам шуҳрат қозонган. Шарқ томонда

Шаҳарда 90 миллат ва элат вакили бор. Гулистанни катта Ўзбек йўли ва Ўрта Осиё темир йўли тенг иккига бўлиб ўтади.

одат тусига кирган. Таниқли одамларнинг аксарияти маҳалладан чиқсан. Буни ҳамма билади. Эҳтимол, шу боисдандир, кўпчилик юқоридаги эътироғни жонжон дея тилга олади. Кундуз кунлари шаҳарнинг бозор-

муомалали ва тилингиз ширин бўлса бас. Шаҳарда Шариф ака деган зўр чойхоначи бор. Ошнинг масаллиғидан жиндек ургани билан ҳали Ўзбекистонда бундай хуштаъм палов дамлайдиганлар 3-4 нафар-

қабул қиласи. Гулистан курама халқ. Бу ёғи Фарғона водийси-ю, Зарафшон воҳаси, у ёғи Тоҷикистону бу томони Тошкентдан минглаб одамлар чўл бағридаги бу мўъжаз шаҳарни ўзларига макон туттандар. Ҳар бир урӯғ, эл ўз фарзандига Баҳтиёр деган исмни беришга ишқивоз бўлади. Шаҳарда Баҳтиёрларнинг кўплиги мана шундан бўлса, ажабмас...

--Наврӯз байрамида шаҳардаги барча кўчалар, хиёбонлар, боғлар таъмирланди. Оммавий равишида жойларга мевали дарахт ва гул кўчатлари ўтқаздик, --дэйди шаҳар ҳокими Қосимхон Ақбаров. — Сўнгти тўрт ой ичидаги шаҳар қиёфасини ўзгартириш учун миллион сўм маблаг сарфланди. Вилоят ва шаҳар ҳокимлигига Гулистанни Ўзбекистондаги энг гўзал, энг ораста, энг серфайз шаҳарга айлантириш режасини ишлаб чиқсан.

Тўғри, бугунги кунгача ҳам унинг йўл ва ўйлаклари, боғ ва хиёбонларида анвойи гуллар қулф уриб ўсган. Вилоят ва шаҳар ҳокимлининг хайрли ташабусига тасанно айтишдан ўзга сўзимиз йўқ. Булғорлар гулни севган одамдан ёмонлик чиқмайди, дейишади. Бу баҳоратта биз ҳам ишонамиз. Ана шунда шаҳар ҳуснига доғ бўлиб турган айрим салбий ҳолатлар ҳам бартараф этилса, ажабмас.

Яқин ойлар ичидаги шаҳримизга меҳмон бўлиб келадиган бўлсангиз, сизни гўзал иморатлар, сердаҳат боғлар ва муаттар гулларнинг бўйи ўз бағрига олишига ишончимиз комил. Балки истиқололга, келажакка юз бурган жажжи, гўзал, ораста шаҳарда учрашиб қолсак, сиз билан бирга кезармиз.

**Х. АЛИҚУЛОВ.
«Халқ сўзи» мухбири.**

СИРЛИ НАВОЛАР

Наманган шаҳридаги Рустам қизиқ Ҳамроқулов номли ҳангома-жъясвия, ашула-рақс дастаси яқинда «Сирли наволар» номли янги мусиқали, дам олии дастурини тайёрлаб, муҳлислар эътиборига ҳавола этди. Дастур асосан беллашув тариқасида бўлиб, унда санъатга қизиқувчан турли ёшдаги уч киши иштирок этади. Улар мумтоз санъат намуналари, ўзбек фильмларидаги мусиқалар, ҳалқ ижодиётни, терминлар, миллий эстрада жанрлари, буюк санъаткорларнинг куй-қўйицлари асосида тузилган шартлар бўйича ўз маҳоратларини намойиш этадилар. Илк бор ўтказилган бу беллашувда бўлгуси ҳамишира Малоҳат Хўжаева санъатга бўлган меҳр-муҳаббати, изланишлари самараси ўлароқ, голибликни қўлга киритди.


Фотима ЖУМАЕВА.

М
А
Д
А
Н
И
Я
Н
Г
И
Л
И
К
Л
А
Р
И

ҚИЗИҚАРЛИ ЎЙИН

Сирдарё вилояти «Гулшан» болалар ижодиётни марказида вилоят ҳокимлигига, маданият ишлари бошқармаси ва «Набиқоминпек» фирмалари биргаликда «Брейнг-ринг» деб номланган қизиқарли ўйин ташкил этишиди. Унда 9-синф ўқувчилари қатнашишиди. Тадбир давомида иштирокчилар турли ҳаракатли ўйинлар билан бирга география, тарих ва адабиёт фанлари бўйича саволларга ҳам жавоб беришди. Ёшлар ўртасида бундай ўйинларнинг ўтказиб турлиши уларнинг ҳар томонлама чукур билим олишлари ва ўлкамизнинг тарихи, адабиёт намоёндалари ҳақидаги тушунчаларининг кенгайиб боришида ижобий натижалар берилиши, шубҳасиз.

Садбархон ЖЎРАЕВА.



РАҲБАРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

1997 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида электр алоқаси корхоналарининг айrim хизмат турларига янги тарифлар жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида электр алоқаси хизматига тарифлар.

Хизмат турлари	тўлов миқдори, сўмда	
	корхона	аҳоли
Телеграммалар:		
оддий, бир сўзга шошилинч, бир сўзга телеграф йингими	4 8 8	2 8 8
Банкларнинг пул жўнатиш телеграммалари оддий, бир сўзга шошилинч, бир сўзга Телеграмма телеграф орқали топширилганини билдириувчи қоғоз оддий телеграмма шошилинч телеграмма Телеграммаларда «Ишончли» ёзувини расмийлаштириш учун Шаҳарлараро телефон алоқаси бўйича Республика ҳудудида қўйидаги масофада телефонда сўзлаштирилган учун: 300 км.гача 300 км.дан ортиқ Хоналондаги ва меҳмонхонадаги телефонда кредитга сўзлашув ҳақидан ташқари ҳар бир сўзлашув учун олиниди Халқаро телефон станциясига улантан телефона сўзлашув учун абонентлик тулови ойига	6 10 60 80 20 1995 йил 5 апрелдан белгиланган тарифлар ўзгартирмай қолдирилди. 300	20 20 60 80 20 5
Хизмат турлари	4.2 8.4	2.1 4.2
		5

ЭЛЕКТР АЛОҚАСИ ХАЛҚАРО ХИЗМАТЛАРИ ТАРИФЛАРИ

ХАЛҚАРО ТЕЛЕГРАММАЛАР	бир сўзга тариф	корхона	аҳоли
Марказий Осиё	оддий шошилинч	8.80 17.60	4 8.80
Россия, Украина, Белорус, Молдава, Арманистон, Грузия, Озарбайжон	оддий	14	7
Европа, Осиё, Америка, Африка, Австралия	шошилинч оддий шошилинч	28 28.80 57.60	14 14.40 28.80

ХАЛҚАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИ

ТЕЛЕФОНДА БИР ДаҶИКА ХАЛҚАРО СЎЗЛАШУВ ҚИЙМАТИ			
Марказий Осиё		24	
Россия, Украина, Белорусь, Молдава, Арманистон, Грузия, Озарбайжон		35	
Европа		119	
Осиё		143	
Африка, Америка		117	
Австралия		124	

Хизмат ва тарифларнинг тўла рўйхати электр алоқаси ҳамма корхоналарида бор.

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ БЎЙИЧА

Хизмат турлари	корхона		аҳоли	
	тўлов миқдори, сўмда			
	вақтбай тўлов тизимга ўтказилмаган	вақтбай тўлов тизимга ўтказилган	вақтбай тўлов тизимга ўтказилмаган	вақтбай тўлов тизимга ўтказилган
Вақтбай тўлов Шаҳар телефон тармоғи бўйича абонентлик тўлови			шарт ва тарифлар аввалгича қолган	
Асосий телефон аппарати учун, бир ойга:	1170	1118	90	63
Шахсий фойдаланишдаги жамоа фойдаланишдаги паралель аппарат	-	-	150	150
Турия абонентлардаги кўш ва паралель телефон учун, бир ойга:	585	520	45	30
шахсий фойдаланишдаги жамоа фойдаланишдаги				
	936	897	72	51
	-	-	120	120

Қишлоқ телефон алоқаси бўйича
1995 йил 5 апрелда белгиланган тарифлар ўзгартирмай қолдирилди

Асосий телефон аппарати учун, бир ойда:	450	360	30	24
шахсий фойдаланишдаги жамоа фойдаланишдаги паралель телефон аппарати	-	-	50	50
Турия абонентлардаги кўш ва паралель телефон учун, бир ойга:	45	36	3	2

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги 1997 йил 1 апрелдан бошлаб, ижтимоий имтиёзлар жорий этади.


Чунончи, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари, байналмилал жангчилар, Чернобиль аварияси оқибатларини тугатиш қатнашчилари, I-гуруҳ ногиронларига телефон аппаратлари учун бир ойлик тўлов ҳажмининг 50 фоизи миқдорида абонентлик тўлови белгиланган.

Куидагилар телефон аппарати учун тўловлардан тўла озод қилинадилар: қариялар, ақлий норасолар ва болалар уйлари, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган болалар мактаб-интернатлари.

Электр алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Кўрсатилган хизматлар ҳақини вақтида тўланг!

«Ўзбектелеком» концерни.

РЕКЛАМА



5
апрель

ТИНЕ'97

1997 йил
8-11 апрель кунлари

«Соғлиқни сақлаш-97»

Сизларни учинчи Халқаро тибиёт кўргазмасига таклиф этамиш.

Кўргазмада жаҳондаги 100 дан ортиқ етакчи фирмаларнинг тиббий ускуналари, фармацевтика ҳамда косметика маҳсулотлари намойиш этилади.

Кўргазмага ташиф буюриб, ишлаб чиқарувчи-фирмалар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишингиз мумкин.

Кўргазманинг иш соатлари:

8 апрель - 14.00-18.00 10 апрель - 10.00-18.00
9 апрель - 10.00-18.00 11 апрель - 10.00-18.00

Бизнинг манзил:

Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107,
«Ўзэкспомарказ» (собиқ ВДНХ).

Сизни кўргазмамизда кўришдан
ФОЯТ МАМНУН БўЛАМИЗ!

ГАШКИЛОТ

пул ўтказиш йўли билан ёки векселга

автошиналарни сотади:

260x508	18 700	840x15	11 000
205x14	7 700	220x508 камерасиз	8 000
185x15 камерасиз	8 500	320x508	25 000
175x13 камерасиз	7 000	240x508	12 000
640x13	7 500		

Шунингдек, «ГАЗ-24», «ГАЗ-31», «УАЗ» ларнинг эҳтиёт қисмларни сотади. Улуржи харидорларга имтиёз берилади.

2 та 5 тоннали 2 та 10 тоннали прессларни, озиқ-овқат маҳсулотига ишлатиладиган тунука ва полизитлен гранулалар сотиб олади.

Манзил: Пушкин кўчаси, 59-уй, 511-хона (мўлжал - метронинг «Ҳамид Олимжон Бекати»).

Телефон: 36-07-54.

Ўзбекистон Республикаси давлат солик кўмитаси Бош божона бошқармаси раҳбарияти ва жамоаси Тошкент шаҳар божона хизмати бошилиги ўринбосари Рустам Фозиловга турмуш ўртоғи

Гулнора ФОЗИЛОВА ҳамда кизи

Дилфузда ФОЗИЛОВАНинг

вафот этганликлари муносабати билан чукур таъзия изҳор этадилар.

«Ўзгўштуссаноати» давлат акционерлик ўюшмаси гүшсаноати бўйними бошлиги Зоир Нуртоевга рафиқаси Мамъура НУРТОЕВАнинг бевакт вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изҳор этади.

Санаторий-курортлар бирлашмасининг жамоаси, санаторий муассасалари ва хўжаликларининг раҳбарлари Санаторий-курортлар бошқармасининг Бош директори X. Ш. Махмудовга онаси

СИДДИҚА янининг

вафоти муносабати билан чукур таъзия изҳор этишади.

Коракалпоғистон Республикаси Амударё тумани Киличбой жамоа хўжалиги аъзолари шу хўжалик раиси, Коракалпоғистон Республикаси халқ депутати Эркабод ИСМОИЛОВНИнг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чукур таъзия билдиради.

-- Бу жаҳоноро сафар режаси Сизда ҳаҷон пайдо бўлган?

-- Ёшлигимда Олмоҳтаоло томонидан нимаики яратилган бўлса, Инсон уни қўриши, баҳораманд бўлиши керак, деган фикр билан яшардим. Айниқса, Калкutta университетининг жуғрофия факультетини тутаттанимдан сўнг шу орзу-умидлар сабаб бўлдими, ёки Ҳимолай тоғлари бўйлаб қылган сафарим чорида менга тасодифан ҳамроҳ бўлиб қолган дарвеш кишининг насиҳатлари сабаб бўлдими, ҳар қалай, 28 ёшимда шу сафар режаси менга тинчлик бермай қўйди. Мени руҳлантирган, энг эсда қоладиган кунлардан бири шуки, Индира Ганди хоним бу ниятимни қўллаб-куватлаб, оқ йўл тилаган эди.

-- Сафарга отланишдан один тайёргарликлар кўрганингиз, журналист сифатида қалам тебратада олишнингиз, рассомчиликдан хабардор эканлигинизни биламан.

-- Албатта, бундай масъулиятли сафарга йўлга тушишдан один одам ҳар нарсага тайёр бўлиши керак. Алпинист сифатида кўплаб экспедицияларда иштирок этганман, совуқ нималигини «тотиб» кўрганман. Денгиз остида сузиш машиини эгаллаганман. Хуллас, ҳаётнинг анча-мунча синовларидан ўтганман.

-- Узоқка чўзилувчи, ҳали йўлда нималар кутаётганилиги ўзингизга ҳам номаълум бўлган бу сафарга молиявий томондан ҳам «тайёргарлик» кўрган бўлсангиз керак?

-- Нима десам экан, мана шу кўриб турганингиз—велосипед, унга ортиш учун олтмиш килолик юк, яъни ихчам бошпана-чодир: кичик газ плитаси, идиш-товоқ, ёзув ҳамда расм дафтарлари солинадиган чарм қопчиқ ва ... ёнимда бир доллар билан йўлга тушганман. Каерга бормай одамлар мени шод-хуррамлик билан кутиб олиб қўзларида ёш билан кузатиб қолдилар.

-- Мана, ўи тўрт йилдан бери йўлдасиз. Бу ҳазилакам вақт эмас. Шу давр ичидан бу «темир улов»нинг билан

Дунёнинг 139 мамлакатини велосипедда кезиб чиқкан ҳиндистонлик жаҳонгашта Рам Чандра Бисвас яқинда республикамиз бўйлаб саёҳат килди. Сафари якунидаги ёзувчи Даҳон Нурий билан кўришиди. Куйидаги сұхбатда Рамнинг ажойиб-гаройиб саргузаштари билан танишасиз.

дунёнинг нечта мамлакатида бўйлдингиз? Энг эсда қоларни хотиралар ҳақида гапириб берсангиз.

-- Дунёдаги 139 мамлакатнинг минглаб шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб кезиб чиқдим. Шу кунгача 399200 километр йўл босиб, сизнинг ҳузурингизда ўтирибман. Газеталарнинг ёзишича, бу Ер билан Ой орасидаги масофа-дан анча кўпроқ экан. Темир «тойчоғ» имнинг ғиддиракларини ҳар иккى ойда алмаштириб, Африка қитъасини айландим. Шимолий Европа мамлакатларидан Гренландия, Арктиканинг чексиз музлик «саҳрлари»га чачириб бордим, Инсон вужудига қандайдир сеҳоли поклик баҳш этувчи Шимол ёғдусининг мафтуни бўлдим. Азим Климентджоро чўққисигача чиқиб бордим. Бразилияни айланиб чиқдим. Америка, Лотин Америкаси мамлакатларини кездим.

-- Дунёнинг ҳамма ерида яхши қишиларга йўлидим дедингиз. Сиз қийин аҳволга тушиб қолган пайтлар ҳам бўлдими?

-- Парижда мазам қочиб қолди. Операция қилишиди. Соғаниб кеттунимча анча даволанишга тўғри келди. Ҳамма ҳаражатларни шаҳар мери кўтарди. Мехрибон шифокорларини, ғамхур парижликларни ҳеч қаҷон унутмайман.... Алясканинг 50 даражали совуғида қолиб, бедуш ёттанимда, Худонинг марҳаматини қарангки, тасодифан овчиларнинг кўзлари менга тушиб қолади. Чанала-

рига ўтказиб, бир неча чақирим наридаги қароргоҳларига олиб боришиди. Ярим тунда қўзимни очиб, уларнинг мамнуният билан жилмайиб турган чехраларини кўрдим.

-- Журналист-ижодкор сифатида булар сиз учун жуда катта манба бўлиши



мумкин!

-- Шубҳасиз! Мен ҳар кунлик кўрган-кечиргандаримни ёзиб бораман. Ҳозиргача 12 та қўлёзма - кундалик «китоб», аллиқ минта. Яқин фотосурат, йўл-йўлакай менга совфа қилинган кўпдан-кўп ҳар хил буюм ва ёдгорликларни почта орқали юртимга жўнатдим. Бу томондан жаҳоннинг барча почта тизими ходимлари хизматидан мен унумли фойдаланиб келмоқдаман. Яна шу жўнатмаларнинг кўпгина қисмини менинг сафаримга оид хабар ёки мақолалар эълон қилган жаҳоннинг юзлаб газета ва журналлари ташкил этади. Нега деб сўрарсиз.

Эсон-омон юртимга қайтсан, мана шу сафарга оид барча эсадлик-ёдгорликлар

асосида Калкутта шаҳрида «Жаҳонор» музейини ташкил этиш ҳамда кўпжилдли «Жаҳоннома» китобини тартиби солиб, бир неча тилларда нашр эттириш ниятим бор.

-- Агар сир бўлмаса айтсангиз, сафарингиз яна неча йилга чўэилиши мумкин?

-- Икки мингинчи йилгача бутун Ўрта Осиё мамлакатлари, Хитой ва Австралия ҳудудини айланиб чиқиб, юртимга қайтмоқчиман.

-- Сафарга жўнаётганимда ёнимда фақат бир долларим бор эди холос, деб айтдингиз.

Лекин пул ҳар доим керак-ку! Масалан, почта жўнатмалари учун.

-- Тўғри, пул зарур бўлиб қолади, айттанимдай, почта жўнатмаларига ҳақ тўлашга тўғри келади... Ушанда, танишибилиш сармоядор дўйстлар томонидан юбориб туриладиган пуллар етмай қолса, кичкина маҳсус жомадонимни очиб,

«қизиқчилик» ҳунаримни бошлайман: бир кафт лезвияни қарсилатиб чайнаб ютаман-да, бир оздан кейин оғиздан узун қофоз ўрами тортиб чиқараман ва одамларнинг кўз олдидаги шу қоғоздан янги доллар «ясад»

курсатаман. Албатта, бундай «томоша»лардан икки-уч хилини кўрганлар қойил қолишади, пулни ҳам аяшмайди. Дарвоҷе, шундай йўл билан, ҳалол ишлаб топилган дунё мамлакатлари пуллари ҳам анча-мунча бўлиб қолди. Улар бўлажак музейдан алоҳида ўрин олса керак.

-- Оиласигиз ҳақида гапириб берсангиз.


-- Онам, учта синглим, учта укам бор. Калкуттада яшашади. Улар билан доим алоқа болгаб тураман. Отам ҳақида сўрайдиган бўлсангиз, ўша мен Алясканинг эллик даражали совуғида беҳуш ётган куним вафот этган эканлар.

-- Тартиб бўйича сафарга куннинг маълум бир вақтида йўлга тушасизми?

-- Ҳа, қатъий тартибирия қиласман. Мен инсониятнинг ақл-заковати маҳсули бўлган дунёдаги барча динларни ҳурмат қиласман ва уларнинг расм-руссумини бажо келтириб, саҳар соат 4 дан 6 гача икки соат давомида тоатибодат қиласман. Сўнг бирор тайёргарлик кўриб, азонда соат 6 яримда йўлга тушаман...

(Меҳмон газетхонларга дастхат ёзиб берганда соат өрталабки «06,25» дақиқа эди).

Расм муаллифи ва сұхбатдош
Дадаҳон НУРИЙ.
Расмда: Рам Чандра
Бисвас.



«Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси раиси Темурмалик Юнусов тўлқинланиб, куйиниб... баъзан нимадандир кўнгли тўлиб гапирди.

БИЗНИНГ ШАРХ:

Бемазын асаарларни тутруқсиз ёзувчилар яратышади. Нұтоқ, қалтабин режиссерлар эса, ҳайбаракаллачиклик шүлгіни тутуб ўларкүрү фильмлар қилишади. Бу ерда санъатни эмас, иқтисодорсизларни айлаша кифоя. Саптамен инсон онға, рұхиятига қай даражада таесір этиши билан бадий мұкаммаллық шохұстасиде ўз үрніни олади. Бу эса талант ва жеке маңызу. Муаррих замонасашынан ёвуз раҳномасы құлда тутыган шокосадаги қонни гулбет қиес қилишега минг урынмасин, «елғон» ёзишманиң қачандыр миси қиыншы, табиши. Үндә нима бұлдағы шүрінгү күргүр тарихи автоллар қарғышыға қолады. Юлдузга тош етмагани каби, ҳақиқат ғигохини ҳам бүхтөн билан беркитіб булмайды. Истибодод даврнинш үчарлари, замонасоз айрим пұхсалар шармандала сағастага тұла маизаралар яратышига киришиб кетгандылар. Улар буни тарих ҳақиқаты деб атапшиб, фаһмсизлик билан ўзларида мангаликка дағыогарлық шиitetкіи борлигини ҳам яширмадылар. Ағасуски, «үйлаб топтылған» тарих үз яратувчиларның умрудан ҳам қысқаралған яшади. Күни кече аюданнос солғы, юртига тош отғанлар бармолын тишлаб, уяліб қолдайлар. Эд биродар, ўзбек ҳақида сендан ҳам бошқа кимсалар нима деб келмади, факат илон ўз құйыннанда ёттанған әмон экан. Бу гап ўзбек халқы шаһнинен ерге уриб, шүролар ногорасига жиылланғлаган айрим ватанғуруши, мұллатғурушларға қарата айтпалағы. Танти, ҳалол, бардошли, мәжнаткаш ва мәжмандыст халқымыз іюзига лой чаплаб, калоғоймоглиқ қылған, ўз юрттаси улуғламаган, менсимаган кимсалар совет түзуми учун жуда керак эди. Шу бош ҳам, бундай кишиларнинг ошиғы олчи, тиши бурро, дасты осмонға етарды.

Озодлик учун курашган бобосини босмачи деб кино қилса, халқини қолоқ деб кино қилса, бутун миллат ҳақида саводесиз, порахұр, деб кино қилса... Бұларни нима деб ўйлаш керак. Энді шу таҳлият күмсаларни ҳәттнинг ўзы кино қылғын турибиди.

Узи кино қилиб турди. Юртбошимиз катта бир айғинда күйиниб савол қўйди: қачон ўзбек кипоси пайдо бўлади? Назаримизда, ушбу гап замирнида ўтмишининг ёруғ саҳифаси, миллатнинг бугуни, халиқ қиёфаси, унинг характеристи ўз инъикосини топган. Биз «Ўзбексино» Давлат акционерлик компаниясига раиси билан ана шу саволга изоҳ топишга ҳаракат қилдик. Ҳозирсан сұхбатимиз бирор оғрикли ва ёрқин хаёллар измиди қоюзга тушди.

-- Темурмалик ака, киномиз тарихи ҳақида...

-- Узбек киноси ибтидоси хоразмлик элсевар, миллатпарвар инсон Худойберган Девонов билан боғлиқ. 1910 йилларда у товушсиз фильмлар яратди. Ўша даврда киномизнинг тамал тоши кўйилди. X. Девоновни жаҳон танийди. Фильмлари кўплаб кино архивларида сақланади. Ҳақиқий манзара, ўша давр мұхити муҳрланган бу лавҳалар ҳалқимиз ҳәстига қаратилган ҳақиқат кўзгусидир. Шунинг учун заман заҳматкаш ва зиёли инсон X. Девонов фильмлари тарихий саналади. Энг ёмони, қатағон йиллари ёши бир жойга бориб қолган кескса одамни жамият жаллодлари ҳалқ душманни леб топишни ва катта этилар.

Киномиз тарихида мұхым сақыфалардан яна бири-
ни Наби Фаниев отчаган. Бадий кино асосчиси У-
Күплаб қысқа ұажмалы фильмдар яратған. Ўша пайтда
тасвирға оқ-қора рангда олиндарди. Бироқ Наби Фаниев
түшірган лавҳаларда сержилолик, ранглилик, сир-
ли ва силлік ұаракаттың күрасыз. Ү иши катта рассом
ұам әдилар. Иңириманчы ийларда дунёға келған «Тоҳир
ва Зухра», «Хұја Насриддин» сингари фильмдарни
Наби Фаниев ишлады. Улар бутун ұам үз қадрini,
мохияттнан ішкемдеғандар.

-- Қандай фильмларнинг умри узун бўлади? Яъни, чироили қилиб айтсан, мангулик зоҳир кинолар деган таъминчани ширхоб берсансан...

-- Юксак бадиият бўлса. Ҳудди адабиётдагидай. Унинг марказида Инсон турса. Мақсад инсон қадрини улуғлаши бўлса.. Фильм мумкаммал драма асосида шаклланиши керак. Бирор оила ёки мамлакат фожиаси, қувончими, асосий ўринда одамзот ҳаёти ва қисмати ажратиб қўйилмаслиги керак. Айнича, миллатнинг ўлмас томонлари, минг йилликлар қатидан келаётган удумлари жонланган давҳалар мангудир. Тўйларимиздаги қадимий русумлар, курашлар, кўпкарилар, фарзандлар қўлини ҳалоллаш одати, келин саломлар, ёр-ёрлар, айтишувлар барча-барчаси инсон манзарасидир, миллат кўринишидир. Миллат улуғлиги кўрсатилган фильмлар доимо яшовчан бўлади. Мен бундай хислатни хоҳ ҳужжатли, хоҳ бадиий бўлсин. Мэлс Абзалов, Исамат Эргашев, Жаҳонгир Қосимов, Юсуф Розиков, Рихсивой Мухаммаджононвинг ижодий яратувчанилигида кўраман. Улар истеъоддли режиссерлар.

-- Демак, шаклан янги, мазмұнаи ўлmas мавзулар бўлиши керак демоқчимисиз?

-- Ҳа, Инсон манзаралари күринган асар

1. Ўзбек киноси кун кўрмай келди.
 2. Миллатфурӯш киночиларни ким кино қилади? Ёхуд Кремлнинг садақа халтасига кўл чўзганлар.
 3. «Ошхона фильм»лардаги бир ёқламалик.
 4. Киномиз эртаси... қандай бўлади?



5



Хамиша халқ билан: «Махаллада дүй-дүй гап»

этапити. Бир-бираға үхшаш, эгизак бундай узоқ давомли кинолар, томошабинни қаңчалик тез жалб қылмасын, күп үтмай иктилалыпты, эсдей чиққаныт. Улар халқымында нима беради? Морена Клара телесериалыннан олинт. Шўрик Клара ҳозирга ҳар бир ўзбек хонаданчининг уттай ҳизига айланбўй колдади... Гўёки телесериал ҳамма нарса ҳақида-ю, аммо ўзбек томошабинни утун...

-- Ҳеч нарса бермайди: бу одамдарга оддий эрмак. Ачинарли томони, аёлларимизни ўзига жалб қылтиб олди. Буниси унисидан түкдан, бирори бошқасидан, худлас, айқаш-үйқаш, ҳаром-ҳарып ҳәёт манзаралари акс этгандын. Фильм замрида ўз қылмишидан инсоннинг тавба қилиши ёткизди, дейини ҳам мумкин. Бирок, Шарқ одоби деган тушунчани ҳам унутмаслигимиз керак. Бунинг учун Шарқ ҳәетини билиш кифоя. Бизга жуфтити-халолларга хос, иккى кишилик ҳәеттн агар тунтарини чиқарып, экранда кўз-кўз қилиш ёт нарса. Одатимизга кура, оиласиз ишлари парда орқасида турғани яхши. Шарқни англаган бирорининг айтишга... (экранда кўрсантиш у ёқда турсин) тил бормайдиган оиласий ҳәетини кўчага олип чиқмайди. Гўзаллик кўз билан эмас, кўнгил билан англанади. Қадим адабийтимиз булогидан сув ичмаганимиздан кейин бошқа ҳалқлар маънавиятига эргашмай турганимиз маъкулроқ.

— Майли, шундай деб хулоса қалайлик. Лекин, «Узбекким»да бутун қандай фильмлар яратилишти? — Истельоди «сузувчиларимиз Тогай Муроднинг «Отамдан қолган далалар», Хайдирдин Султоннинг «Адаш карвони», Эркин Аъзамнинг «Пиёда», Анвар Обиджоннинг «Автобола» асарлари асосида турди мавзулар қамралган бадий фильмлар иштанаётган. Уйлаймизки, узбек киноси янгиланиши арафасида туришиб. Улар халқимизнинг дидига мос келади. Узбекона ҳаёт куринишлари мазмунли мулодазалар орқали экранга кўчади.

-- Шу йилнинг 22-29 май кунлари Ташкентда XН-Халқаро Кинофестивал ўтказилиши кўзда тутилган. Унинг асосий гагони

-- Гоясими... Умуминсоний қадриялар ва миддий тарақкүй. Шу ерда бир гапни айтиб ўтai: фестивалда йирик мамлакатлардан вакиллар, продюсерлар, кино санъати арбоблари иштирок этишиди. Гўзат ва ахойиб, бескиёс сир-асоррга тута. мұызыкакор табиғати юртимиз жамолини жаҳонга олиб чиқиши, буюк қадимий маданиятга эга ҳалимиз ҳақида бутун дунёга янада тўлиқроқ маъдумот бериш биз ижодкорларнинг асосий мақсадимиз бўлиши керак. Ишончим комилки, Тошкент фестивали ўзбек кино санъати шукратини жаҳонга ёди. Маданий ва маънавий алоқаларимиз гуркираб тараққий топади. Юртимизга нисбатан қириқиши ва ҳавас

-- Ўзбек киноси оддидаги музммо...
-- Пул ва конвертация масаласи турибди. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 июннадаги 247-сонли қарорининг 11-бандидаги киномиз тараққиети учун старли маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бироқ, шунга қарамай ишимиз оғир силжинкти. Тасмалар (плёнка) қиммет. Уни кимёвий ишловдан утказиш учун зарур ашёлар старли эмас. Муаммолар ҳал бўлишига ишонамиз, албатта. Бунинг учун кредит олишга ҳам тайёрмиз. Ҳозир 2000-чи ийларга узбек киносини шакллантириш дастурини тузиб чиқданмиз. Хориждан инвесторлар топнига ҳам ҳаракат килияпмиз. Энг муҳими, Президентизмнинг бизга нисбатан алоқидаги эътибор берастаги кувончлари. Шундай будгач, киномизнинг эртаси умидидаги оғизини кече бўлганини ташкил менамиз.

-- Яна бир гап кедди. Узбек киноси ўзбекча «танириши» мумкин. Бирор ўзбекона таъсир сезилмаса ёмон.

Шулдай эмасми?
— Тури, дүнс санъатини турли-туманлык, рамзийлик, мұхымы, үзіга хослик бойнитиб келган. Миллийлук шұғарған милят киноси юқори мавқесін әгаллаши мүмкін. Үз маданияти ва маңнавиятига зэзу әхтиром билан қарайдиган иқтисорлар ешлар әзаянга юртимиз кино санъаты янада юксалады. Шу мақсадда миляйғоялар асосида юқори даражада актерлер, режиссерлік маҳоратидан сабоқ берадиган маҳсус үкүв юрти очище ниятимиз бор. Бу ерда табиий талант әгалари, зеңшли, бутун болардың билан үз зилини улугайдиган бұлажак кино қолдушар тасқын оладылад.

Биз Темурмалик Юнус билан бўлған мусоҳабамизга шу ерда нуқта тўйдик. Мен савол-жавобларимдан сўнг фикр қилим. Жадон кино санъати улкан бар денгиз. Шу денегизга кўшатсанг хиссамас балки томонидир. Бирор муддатни жиҳатидан ба томонидан денгиз кўриниш турибди. Хулоса, унга қандай кўз билан карашга боғлиқ



Умрбокий фильмларимиз: «Мафтунингман»

Күчкөр НОРҚОБИЛ.
«Халқ сұзы» мухабири.

БИРИНЧИ АКАДЕМИЯ

Хозирги кунда ривожланаётган илм-фанинг кайси бир соҳасини олиб қарамайлик мово-роуниҳрлик ва хурсонлик олимларнинг бу бора-даги тарихий хизматлари бекиёс эканлигини кўрамиз. Айниқса, ўрта асрларда яшаган аллома-ларимизнинг ана шундай улушлари дунё миқёсида салмоклидир.

Диёримиздан чиқсан Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуубек каби юзлаб сиймола-римиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Уларнинг хизматлари туфайли ўша пайтлар янги дорилғунун ва академиялар ташкил босхлади. Чунки бу даҳолар яратиб кетган ўлмас асарлар, буюк қашфиётлар жаҳон илм-фани ва маданияти равнақига қўшилган улкан ҳисса бўлиш билан бирга, ўз навбатида маълум даражада ижтимоий-иктисодий тараққиётга ҳам хизмат қўлган. Шундай илмий даргоҳлардан бири тарихда «Маъмун академияси» номи билан машҳур бўлган билим масканидир.

Тарихий манбалардан маълумки, Абдуллоҳ ал-Маъмун 809 йилдан Марвада дастлаб халифа Хорун ар-Рашидининг ноиби, 813 йилдан бошлаб эса халифа бўлади, 819 йилда эса Багдодга кўчиб бориб, у срда «Байт ул-хикмат», яъни «Маъмун академияси»га асос солган. Бу даргоҳда ўрта Осиё ва Хурсондан келган йирик олимлар Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Хабаш ал-Марвазий, Абул Аббос ал-Жавҳарий ва бошқалар ижод қилишганлиги тарихдан яхши маълум. Ал-Хоразмий қаламига мансуб 20 дан ортиқ асарларнинг қарийб 10 таси ушбу академияда ғизилганлигини тарихчилар бот-бот таъкидлашмоқда. Унинг энг буюк асари «Алжабр ал-муқобала» бутун дунёга маълум. «Алжабр» сўзи лотинча транскрипцияда «алгебра» ва кейинчалик Овропада «алгоритм» деб аталиб келинган тушунча -- Ал-Хоразмий демакидир. Шу билан бирга, ул зот «Зиж» асарини ҳам 830 йилда ёзиб, фалакиёт фани ривожига улкан ҳисса қўшандири.

«Зиж» -- Исломда яратилган дастлабки астрономия оид асар бўлиб, кейинчалик кўп олимлар унга эргашиб «Зиж»лар ёзишган. Ал-Хоразмий ўз «Зиж»ида бошлангич меридиан сифатида Ҳинд анъансига кўра, Арин (ҳозирги Ҳиндистондаги Ужайн) шаҳридан ўтган меридианни танлаган ва уни ўлчашда иштирок этган. Франциялик машҳур олим Петр Арин тоғисидан рудданиб, 1410 йилда ўзининг «Ер тасвири» номли асарини ёзганлигини кўпчилик билди. Бу асар нусхасидан фойдаланган Христофор Колумб, китоб ҳошиясига сизан эслатмаларига кўра Ернинг Аринга диаметриал қарма-қарши тарафида ўшаш жой бўлиши кераклиги ҳақида тасаввур досил қўлган. Ал-Фарғоний эса Қоҳира яқинидаги Равзо

оролида «нилометр»ни, яъни Нил дарёси суви сатҳини ўлчовчи асборни яратган, Қуёш тутилишини олдиндан ҳисоблаб чиқсан, сринг шарсизмон эканлигини илмий жиҳатдан исботлаган, меридиан узунлигини ўлчаган.



Х аср охири, XI аср бошларида худди шундай «Маъмун академияси» Хоразм пойтахти--Урганчда Хоразмшоҳ Абул Аббос ибн Маъмун томонидан ташкил қўлинган эди. Бу илмий даргоҳда Ибн Сино, Беруний, тарихчи Ибн Мискавий, математик Абу Наср Ибн Ироқ каби етук олимлар ижод қилишган. Ҳусусан, Ибн Сино бу срда тил илми билан бирга мантиқ, физика, математика ва метафизикага оид масалалар билан ҳам шугулланган. Беруний эса дунёда биринчи глобус (диаметри 5 метр бўлган шар) ясаган. У ўз илмий асарларида дунёнинг тузилиши масаласида Птолимейнинг геоцентрик системасига суняна-да, осмон жисмларини геометрик тушуниши асосида Коперникдан бир неча аср давалар Ерни коинотнинг маркази деб битувчи геоцентрик ва Қуёшни коинот маркази деб ўрганувчи телиоцентрик тизим тенг кучга эга, деган хуносага келган. У ҳаракат траекторияси ва осмон ёритқичлари шаклиниң эллипсоид эканлиги ҳақида биринчи бўлиб фикр юритган олимлардан бўлиб, жойларнинг географик узоқлигини, кенглигини аниқлаш یўлларини танлаб олишида муҳим қашфиёт қўлган эди. Берунийнинг бошқа дунёлар мавжудлиги тўғрисидаги таҳмини унинг илмий ютуқларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин.

ХУ асрда эса Самарқандда Улуубек астрономия мактаби ташкил этилди. Улуубек 1424-1428 йилларда ўз атрофида тўплантан олимларнинг бевосита иштироки билан шаҳар яқинидаги Обираҳмат анҳори бўйида расадхона курдирди. Доира шаклидаги бу улкан иморатнинг айланаси 47 метр,

баландлиги 31 метр бўлиб, Бобурнинг ёзишича, 3 қаватли бўлган. Расадхона Али ибн Исо Устуробий, Абу Маҳмуд Ҳужандий ва уста Иброҳим каби моҳир асбобсоз, мистар ҳунармандларнинг бошчилигида барпо қўлинган, астрономик ўлчов асбоблари билан жиҳозланган. Бу илмий даргоҳда Улуубек билан биргаликда машҳур математик, астроном, замондошлари ўртасида «Афлотуни замон» фахрий номини олган Салоҳуддин Мусо ибн Мухаммад Қозизода Румий, Фиёсiddин Жамшид Коший, «ўз даврининг Птоломей» номи билан шуҳрат қозонган Алоуддин Али ибн Мухаммад Али Кушчи каби кўпгина бошқа олимлар илмий кузатиш ва тадқиқотлар олиб бордилар. Улуубекнинг дунёга танинган шоҳ асари «Зижи жадиди Қўрагоний» («Қўрагонийнинг янги астрономик жадвали») номли китобидир. Расадхонада олиб борилган кузатиш ва тадқиқотлар туфайли 1018 событа (қўзгалмас) юлдузларнинг ўрни ва ҳолати аниқланиб, уларнинг астрономик жадвали тузилган. Асарда Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари бўйлаб жойлашган 683 географик нуқталарнинг Самарқанд кенглигига нисбатан координатлари белгилаб чиқилган. Улуубек мактабининг эришган энг муҳим ва ажойиб, муваффақиятларидан яна бири математика фани соҳасида кўлга киритилган. Расадхона олимлари 3-даражали алгебрик тенгламалар счимини кўрсатиб бир даражали синусни аниқлашга муваффақ бўлишиди. Бир сўз билан айтганда, Улуубекнинг астрономик жадвали ўша замондаги шунга ўшаш жадваллар орасида бекиёс аниқ бўлганлиги билан ажralиб турди. Масалан, (эклиптиканинг экваторга) оғвалиги Улуубек жадвалида 23 даражага 40 дақиқа 17 сонияга тенг бўлиб, ҳозирги ҳисоб бўйича у 23 даражага 30 дақиқа 49 сонияни ташкил этади. Бу рақамлар солишиштirгудек бўлсак, у бор-йиги бир минуту иккни сонияга фарқ қиласди. Булаар XV аср учун ғоят юксак аниқлик бўлиб, ҳозирги замон ўлчовларига жуда яқинидир.

«Зижи жадиди Қўрагоний»дан ташқари, Улуубек «Тарихи арабъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асар ҳам ёзган. Бу асар туркйларнинг аждод ва авлодлари, мўғил қабилалари ҳамда Чингизхон вафотидан кейин ташкил топган улуғ юрт, Жўки, Чигатой ва Элхонийлар улусининг қисқача тарихига бағишиланган.

Ҳозирги замон маънавият ва маърифатининг шаклланишида маданиятимизнинг бебаҳо ҳазинаси бўлган «Маъмун академияси» ва унда фаолият кўрсатган буюк алломаларнинг хизмати бекиёсdir.

Олимжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
Намангандан саноат-технология
институти доценти, физика-
математика фанлари номзоди.

ТИББИЙ ОДОБНОМА

«Тиббий одобнома». Бу ибора лугат бойлигимизга кириб келганига ҳали унча кўп бўлгани йўқ. Ваҳоланки, биз узок йиллар адабиёт адабиёт учун, санъат санъат учун, тиббиёт тиббиёт учун де-ган ақида билан яшадик. Тиббий одобнома ибораси эса медицина нафакат шифо билан, балки ахлок одоб билан ҳам шугулланиши, инсонларга маънавий озука эканлигини исботлади.

Кимё фанлари доктори, профессор Кудрат Аскarovнинг ҳаммуалифликдаги «Тиббий одобнома» китоби бизга ана шундай таълим беради. Аждодларимиз закоси билан яратилган дуру жавоҳирлар бу рисолада ўзининг турфа рангдаги кўринишлари билан намоён бўлади. Китобни бир-бир вараклаб сиз ундан тиббий маънавият сабогини оласиз. Биз олимнинг бу йўлдаги ижодига барака тилаб, ундан айрим ибратли ривоятларни сиз муштариylарга тақдим этишин лозим топдик.



АФСУС, БИЛМАГАН ЭКАНМАН

Қариган чогида машҳур ҳаким Жолинуснинг кўзи кўрмай қолди. У кўзига қанчалик дори-дармон шиллатмасин, барибир фойдаси бўлмади. Охири тақдирга тан бериб, ўзини ўзи даволашдан воз кечди.

Кунлардан бир-кун касал қидириб, кўчада қичқириб юрган табибининг овозини эшишиб қолди. Жолинус ўша табибни ҳақириб келишини буорди. Табиб келгач, ундан кўзини даволашни сўради.

Табиб ишга бел боғлаб, аввало сут келтиришларини буюрди. Келтирилган сутни катта қозонга қўйди ва қозон тепасига эса Жолинуснинг оғенини осмондан қилиб осиб қўйди. Сўнг қозон тагига ўт ёқа бошлади. Сутдан чиқсан буғлар Жолинуснинг юзу кўзига урилиб, кўз очиргани қўймасди. Бир оз муддат ўтгандан кейин Жолинус дикқат билан қараб, атрофни кўраётганини ҳис қилди. Жолинусни ерга туширишгач, у табибдан:

«Бу усул билан мени қандай даволадинг, бунинг сири нимада?» деб сўради.

«Сен қаердадир синиб ётган кўза парчалари устига пешоб қилгансан, кўза парчасига илон заҳри тушган. Натижада илоннинг заҳри буғланиб, бу буғ сенинг кўзингга кирган. Кўзингдан эса нур қочган. Мен заҳарни сут буғ билан ҳайдадим», -- деди табиб.

Жолинус бутун дунёга машҳур табиб бўлса ҳам, шунга ақли етмаганига ҳайрон қолиб: «Биласанми, мен кимман, Жолинус бўламан» дейди.

Жолинуснинг номини эшишиб қўрқиб кетган табиб, «Эвоҳ, мен буни билмаган эканман, агар билганимда бу маҳалланинг ёнидан ўтишга ҳам журъат қилмаган бўлардим», -- деди.

БЕШ ЗЎР ТАБИБ

Улуғ ҳаким Ибн Сино кунлардан бир куни қаттиқ оғриб, кўрпа-тўшак қилиб ётib олибди. Унинг шогирдлари, энг яқин дўст-биродарлари йигилишибди. Улар яхши сўз айтиб улуғ табибининг кўнглини кўтаршига, кайфиятини яхшилашга ҳаракат қилишиса, шогирдлари устозларини дори-дармонлар билан даволашга киришибдилар.

Ибн Сино дўст-биродарларига раҳматлар айтиб, шогирдларига эса шундай дебди:

